



МАЪРИФАТ \* ХАЛК ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ\*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 27 октябрь, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 85 (7384)

## ТЕРРОРИЗМ – ЭНГ ДАҲШАТЛИ ОЛОВ

Илгари кунжара, арпа унидан нон ейишган, далада бошоқ териб кун кўришган вақтида ҳам одамлар ҳамиша худодан тинчлик сўрашган.

Биз эса бугунги шундай гўзал, фаровон хаётимизни кадрламаслигимиз, тинчлигимизни барқарор сақлашга ҳаракат қылмаслигимиз асло мумкин эмас. Шундай экан, биз сабоб берадётган ҳар бир сония, бажарадиган ҳар бир ишимиз, айтадиган ҳар битта сўзимизда тинчликка фидойилик ва шу йўлда курашиб яшаш руҳи мужассам бўлмоғи

**Munosabat**

даҳшатли оловдир. Бу оловдан Оллоҳнинг ўзи сакласин, барчамизни.

**Д.НОСИРОВА,  
Самарқанд шаҳридаги  
1-педагогика  
коллеки директори**

## ВОҚЕАЛАР СИЛАСИ

Америка Авиацияси ўтган кеча ҳам Афғонистон пойтахтига ўюстирилётган ҳаво хужумини давом этиди. Бу галги хужум эса асосан Қобул якинидаги аэропортларга каратилди. АҚШнинг ҳаво хужумига қарши толибонлар ҳам Зенит курилмасидан ўтишишган. Ядрорларни даволашда кўпкаб кўйичилларга учраётган Қобул врачлари Америка ҳарбийларидан ҳужумларни тўхтатиши сўрашмоқда.

Афғонистондаги толибон кучлари томонидан мухолифатнинг кўзга кўринган командирларидан бири Абдул Ҳака кўлга олинган. Бу маълумотни Би-Би-Си ҳам эътироф этиб, ундан тарқатилган хабарларда Абдул Ҳака Афғонистон худудига кириб, пуштун ахолисини толибонларга қарши курашга чакирмоқчи бўлганлиги таъкидланган.

Британия ҳукуматининг таъкидлашича, унинг куруклидаги қўшинлари Афғонистонда олиб бориладиган жангларга шай экан. Покистон якинидаги Британия ҳарбий кемаларидаги бир неча юз куруклидаги қўшин аскарлари ағон ерида жанг олиб боришиди. Бу қўшинлар Омон ва Форс кўрфазида ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган Британия қўшинларининг бир кисми хисобланади.

Президент Буш Америка ҳукумати томонидан тақдим этилаётган терроризмга қарши олиб бориладиган янги қонунларга жума куни кўл кўйиши лозим. Мазкур қонун АҚШ ички ишлар гарданинга ахолининг тинчлигини сақлаш, қочокларни қаттиқ назоратга олиш ҳамда банк хизматини назорат килиш масъулиятини юклайди. АҚШ бош прокурори Жон Эшкрофтнинг таъкидлашича, бу қонун ФБР ҳукуқларини янада кенгайтирган ҳолда терроризмга қарши курашнинг янги асрини бошлаб беради.

## ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН

Хурматли таҳририят, менинг Сизлардан бир илтимосим бор: мамлакатимиздаги барча муаллим касбдошларимга обуна тўғрисидаги фикримни етказсангиз.

Агар бошлангич синф ўқитувчиси "Бошлангич таълим", барча ўқитувчиларимиз "Маърифат"га обуна бўлмас экан, бу

**Obuna – 2000**

муаммоли мавзуларда мақолалар чиқиб туради, деб умид қиласан. 1996 йили декабрь ойида "Олмония академик айирбошлар хизмати" бўйича Германиянинг Йена ва Сант Андреасберг шаҳарларида малака ошириб келганман. Ҳозирги кунда ҳам Олмония билан ҳамкорлигимиз давом этмоқда. Лекин маҳаллий мутасаддилар бу ҳақда билишмайди чоги, шароитим билан ҳам кизиқишмайди...

Севимли газетам билан ҳамкорлик қилиб, ўз тажрибаларимни барча ҳамкасларим билан ўртоқлашишни истайман. Шундайда унга 2002 йил учун ёзилиб, барча ўқитувчи-муррабийларни ўзаро ҳамкорликка чорлайман.

**Шарипбой МАШАРИПОВ,  
Ҳазорасп туманидаги  
37-мактаб  
ўқитувчisi**



"Йил ўқитувчиси-2001" кўрик-танлопида Дилором Маллабоева – Андижон вилояти Жалолқудук туманидаги 23-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчisi математика фанидан Миробод туманидаги 110-мактабнинг 2-“А” синфида "114-123 мисол ва масалалар" мавзусини ажойиб усулда дарс олиб борди. Шу билан бирга у дарс жараёнида болажонларнинг чарчаб қолишига йўл қўймаслик мақсадида ўзига хос янгилик – "Дам олиш бекати" жорий килиб, "Алла" қўшигини ижро этди. Нима учун

"Алла" айтдим, деб болажонларни фикрлашга чорлади ва мавзуни "Оналар ва болалар йили"га боғлади. Қисқаси, Д.Маллабоева дарсда бошқотирма, банк, пул, ҳаражат каби кўплаб тушунчаларни кўллаб, ўғил-қизларни математика сирларидан огоҳ эта билди.

Суратда: андижонлик иштирокчи Дилором Маллабоева "олмахоннинг кавакларга яширган ёнғоклари" ўйини орқали ўқувчиларга қўшиш ва айриш амалларини ўргатаётir.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Доимий ҳаракатдаги ўқув-семинарлари ўтказилади

2-бет

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш тўғрисида  
**НИЗОМ**

4-бет

**Ғуломжон Ёқубов:**  
Устозларимни доимо ёдда тутаман

5-бет

XXI асрда физик таълим қандай бўлиши керак?

6-7-бетлар

Халқ таълими вазирлигига Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг миллый истиқлол гояси ни ёшлар онгида шакллантириш, бу соҳада ўқитувчи ва мураббийларнинг малакаси ҳамда билимини ошириш юзасидан кўрсатмалари, маҳсус методологик комиссиянинг тавсиялари, шунингдек, мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларни такомилластириши мақсадида "Миллый истиқлол гоясини таълимтарбия жараёнига татбиқ этишини янада такомилластириш ҳақида"ги буйруқ имзоланди.

Буйруқда таъкидланишича, "Миллый истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамоилиллар" курси бўйича барча даржадаги таълим ходимлари учун доимий ҳаракатдаги ўқув-семинарларини ўтказиш намунавий тартиби тасдиқланади.

Маҳсус жадвал асосида Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Вазирлик ва унга қарашли Республика ташки-

### Rasmiy bo'lim

2001-2002 ўқув йилининг II чорагидан бошлаб ҳар бир туман (шаҳар)да мазкур фанларни ўқитиши бўйича биттадан таънич мактабларини белгилаш; мактабгача таълим муассасалари учун "Миллый истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамоилиллар" рисоласи асосида ишлаб чиқилган дастур ва тавсиялардан фойдаланган ҳолда таълимтарбия ишларини ташкил этиш;

умумий ўрта таълим тизимида "Одобнома" (I-IV), "Ватан туйғуси" (V-VI), "Миллый истиқлол гояси ва маънавият асослари" (VII-IX) фанларидан дарс берувчи ўқитувчиларнинг миллый истиқлол гоясига ажратилган мавзулар бўйича методик маҳоратини оширишини таъминлаш;

"Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллый истиқлол гояси ва маънавият асослари" фанларини ўқитиши жараёнида дарслар баҳс-мунозара, учрашув, ўйин, саҳна дарслари, ақлий ҳужум,

мазкур мактаблар тўғрисида Низом кабилар шулар сира-сига киради.

Педагогика институтлари ва Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ректорлари эса 2001 йил 15 ноябрда қадар мазкур фан бўйича педагогика институти ва малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари учун 2 кунлик ўқув-семинари ҳамда жорий йилнинг 1 ноябрдан бошлаб доимий ҳаракатдаги ўқув-семинари ташкил этадилар.

Шунингдек «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллый истиқлол гояси ва маънавият асослари» фанлари бўйича методологик комиссия томонидан тавсия этилган адабиётлар асосида ўқитувчилар ва тарбиячилар малакасини ошириш учун тузилган жадвалга кўра Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институтида олти кунлик маъruzachiilar (тренер-

## ДОИМИЙ ҲАРАКАТДАГИ ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

лотлари ходимларини жалб этган ҳолда доимий ҳаракатдаги ўқув-семинарларини ташкил этадилар.

Қорақалпогистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ректорлари зиммасига:

2001 йил ноябр ойида малака ошириш институтлари ва туман (шаҳар) метод кабинетлари негизида "Одобнома", "Ватан туйғуси" ва "Миллый истиқлол гояси ва маънавият асослари" фанлари бўйича янги яратилган дастурлар ва ўқув қўлланмалар асосида ўқитувчилар ва тарбиячилар учун маҳсус жадвал асосида мақсадли курслар ташкил этиш ҳамда уларни тест синовлардан ўтказиш;

2001 йил 1 декабрга қадар назоратчи-методист, таълим муассасалари раҳбарлари учун малака ошириш институтлари, барча фан ўқитувчилари ва тарбиячилари учун таълим муассасалари негизида "Миллый истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамоилиллар" рисоласи бўйича 2 кунлик ўқув-семинарлари ўтказиш;

2001-2002 ўқув йилининг II чорагидан бошлаб туман (шаҳар) метод кабинетлари негизида "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллый истиқлол гояси ва маънавият асослари" фанлари бўйича пухта билим, тажриба ва салоҳиятга эга методистлар, ўқитувчилар ва олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларни жалб этган ҳолда доимий ҳаракатдаги ўқув-семинарлари ташкил этиш;

дебат, дарс композиция кабинотианавий усуллардан кенг фойдаланиш билан ўқувчиларнинг дарс жараёнида фаоллигини оширишга, шахсий фикр-мулоҳазаларини эркин ифодалашни таъминлашга эришиш;

ўқувчи, талаба ва кенг китобхонлар оммаси учун методологик комиссия томонидан тавсия этилган қўлланмма ва рисолалар билан ўқувчиларни таъминлаш, таълим муассасалари кутубхоналарини бойитиш, улардан дарс ва дарсдан кейинги вақтларда унумли фойдаланишини ташкил этиш;

"Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллый истиқлол гояси ва маънавият асослари" ўқув фанларидан Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ижро-си мониторингини ўқув йилининг ҳар чорагида ўтказиб бориши, таҳлил натижаларига кўра самарадорлик талаб даржасида бўлмаган ҳудудларда, таълим муассасаларида тегиши таъсирчан чораларни кўриш орқали Давлат таълим стандартлари бажарилишига эришиш каби вазифалар юланди.

Республика таълим марказига баъзи ишларнинг мөърий ҳужжатларни кўрсатилган муддатларда ишлаб чиқиб, жойларга етказиш топширилди. Жумладан, 2001-2002 ўқув йили давомида "Миллый истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамоилиллар" рисоласи асосида ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчиларига ёрдам тариқасида амалий дарс ишларнинг ҳамда методик тавсиялар;

2001 йил 10 ноябрга қадар ЎзПФТИ билан биргаликда ҳар бир туман (шаҳар)да ташкил этилиши режалаштирилаётган таънич мактаблар учун тегиши мөърий ҳужжатлар,

ларни тайёрлаш режалаштирилди. Бу тренерлар ўз навбатида вилоят ПҚТМОИларида туманларда мазкур фанлар бўйича ўқитувчи ва тарбиячиларни тайёрлайдиган маъruzachiilar (тренер)ларни тайёрлайдилар. Ва ниҳоят улар ҳам туман метод кабинетлари негизида юқорида таъкидланган фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар билимларини такомиллаштириши амалий ҳамда назарий ёрдам берадилар.

Бу масала куни кеча ўтказилган ХТВнинг ишлаб чиқариш мажлисида ҳам кўриб чиқилди. Қорақалпогистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари раҳбарлари энгизилган "Миллый истиқлол гоясига таълимтарбия жараёнига татбиқ этиши" борасидаги билимларни синаб кўрилди.

Афсуски, айрим раҳбарлар тестдаги баъзи саволларга етарлича жавоб бера олмадилар.

Дарвоҷе, Вазирлик «Миллый истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамоилиллар» деб номланган руҳи доирасида тайёрланган китобларнинг ҳар биридан ўн минг нусхадан мактаблар кутубхона жамғармалари учун ҳарид килиш учун 44 млн. сўмга, шунингдек, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларни дастурлар, қўлланмалар билан таъминлаш мақсадида 2,5 млн. сўмга Ўзбекистон Файлсуфлари Миллый жамияти билан шартнома имзолади.

Халқ таълими вазирлиги мазкур фанларни таълим муассасаларида ўқитилишининг доимий мониторингини олиб боради.

## ТАШХИС ИШЛАРИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Маълумки, айни кунда Халқ таълими вазирлигининг ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази томонидан умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш борасида қатор ишларни қилинмоқда. Хусусан, ўқувчиларниң қобилиятлари, қизиқишиларни аниқлаш ишлари маълум бир тизимга келтирилиб, уларни мақсади ўйналишлар асосида амалга оширишга киришилди. Йилдан-йилга жойлардаги ташхис марказларининг фаолиятлари жонланб, самарадорлиги ошиб бормоқда. Шунга қарамасдан, мазкур жараёнда камчиликлар ҳам мавжуд. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва уларга замонавий психологик-педагогик маслаҳат бериладиган фанларни оширишга киришилди. Йилдан-йилга жойлардаги ташхис маркази ҳамда шаҳардаги 17-мактабда олиб борилаётган амалий ишлар намойиш қилинди. Шунингдек, иштирокчилар вилоятнинг қатор туман ва шаҳар ХТБлари қошидаги ташхис марказлари фаолиятлари билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлдилар. Газетамизнинг кейинги сонида семинар тағсилотлари бўйича батафсил маълумот берамиз.

Нурлан УСМОНОВ,  
"Маърифат" мухбари

Семинарни ҳалқ таълими



Ерга урсанг осмонга сапчийдиган, бераётган саволинг тугамай, жавобини қайтарадиган, инглиз тилида унча-мунчага гап бермайдиган ўқувчиларни излаётган бўлсангиз, у ҳолда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти қошида фаолият кўрсатаётган "Интернэйшнл Хаус-Тошкент" лицеидан топасиз. Ушбу лицей 1994 йилдан бўён ўз қадирчочларини учирма қилимоқда. Бу ерни битирган тиниб-тинчимас қадирчочларнинг 96 фоизи олий даргоҳ талабалари бўлмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, лицеидаги мавжуд шарт-шароитлардан мамнун ўқувчилар чеҳрасида офтоб балқииди.

Суратда: Доцент Флора Нургалиевалар химия фанидан дарс бермоқда.

## МАЖМАБ ВА ОГОҲҲАДИК

Пойтактимизнинг Яккасарай тумани Т.Абдулаеваномидаги 26-мактабда "Терроризм—XX аср фожеаси" мавзусида давра сұхбати бўлиб ўтди. Унда сўзга чиқиан туман прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия кичик маслаҳатчиси Р.Абдулаева бу ваҳшийликни кескин қоралаб, ватанни саклаш, асраш оstonадан бошланишини, туман прокуратурунга рўйхатидан ўтказилган вояга етмаган, тушуниб-тушунмай қилган хатоларидан пушаймон бўлиб, судда қат-

Райхон ХОЛМУРОДОВА

Амалдаги дастурга кўра, 9-синфда “Одам ва унинг саломатлиги” фанидан “Асаб системасининг гигиенаси” мавзусига бир соат вақт ажратилган. Бирор бир дарс билан бугун болаларни ҳайратга солиш мушкул. Шу боис мен бу мавзуни сал ижодийроқ “Фазабга йўл берманг, одамлар!..” деб номлаб, ноанъанавий дарс режасини ўқувчиларимга қуидагича тақдим этаман:

1. Асаб системасининг вазифалари.

2. Инсон саломатлиги ва миллий қадриятлар.

3. Гимнастика — соғлик грави.

4. Жисмоний меҳнатнинг зарурлиги.

5. Тезкор тест — билимни мустаҳкамловчи омили.

6. Эркин Воҳидовнинг “Асаблар” шеъри.

7. Хулоса.

Бу мавзуда асаб системасининг функцияси иккى қисмга бўлиб ўрганилиши илгари айтиб ўтилган бўлсада, уни ўқувчиларга яна бир эслатиш фойдадан холи бўлмайди. Аслида асаб системасининг биринчи функцияси одам организмининг барча ҳужайра, тўқума, органлари ва эслатиш системаларининг ишини бажариш ҳамда уларнинг бир-бiri билан ўзаро боғланишини таъминлашдан иборат. И.П.-Павлов асаб системасининг бу функциясини унинг қуий функцияси деб атаган. Бу вазифани орқа мия ва боз миянинг қуий қисмларида жойлашган асаб марказлари баҳарди.

Асаб системасининг иккинчи функцияси одамнинг ташки муҳит ва атрофдаги бошқа одамлар билан боғланишини, муомаласини, ташки муҳит шароитига мослашувини таъминлайди. Ташки муҳит таъсирида, атрофдаги бошқа одамлар билан муносабати натижасида кишида пайдо бўлган фикрлар, фикри баён этиш, билим

олиш, хунар ўрганиш ва уларни эсда сақлаш каби юксак инсоний хусусиятлар ҳам асаб системасининг ана шу иккинчи функциясига киради. Павлов асаб системасининг бу функциясини олий асаб фаолияти, деб атаган. Асаб системасининг бу функциясини унинг юқори қисмida жойлашган асаб марказлари бажаради. Шу аснода асаб системасининг тузилиши, орқа миянинг функцияси, боз мия, боз мия катта ярим шарлари, вегетатив асаб системаси, асаб тизими касалларни, олий

донишмандларимизнинг фояно ўйтгиларига амал қилиб, унинг нормал ривожланиши учун куляй шарт-шароитлар яратиши лозим. Бунинг учун иккала ёш спиртли ичимликлар ичиш, нос, сигарет чекиш каби заарли одатлардан сақланиши кераклиги тўғрисида батафсил тушунча берман. Заарли одатларнинг оқибатларидан мисоллар келтираман. Гапим орасида “Бошинга не келса, сабаби ўзинг!” деган иборани ишлатаман. Бундай қатъий фикр ўқувчиларни маълум бир холосалар чиқаришга чорлайди.

Ган расм-кўргазмалардан фойдаланаман. Педагогик тестлар — янги педагогик технологиянинг таркиби қисми ҳисобланади. Шу боис, одам фоалиятининг бузилиши сабабларини айтинг, “2001 йил — Одалар ва болалар йили” моҳиятига тўхталинг, асаб системаси касалларни қайси олимнинг, қайси асарида батафсил ёритилган, жисмоний меҳнат нима, ақлий ва жисмоний меҳнат ҳақида нималарни биласиз каби сочма тест саволларига жавоб топиш орқали мавзуни яна да мустаҳкамлаб оламан.

## ФАЗАБГА ЙЎЛ БЕРМАНГ, ОДАМЛАР!..

нерв фаолияти моҳияти хусусида қисқача тўхталиб ўтилса, ўқувчилар мавзуларнинг бир-бiriiga ҳақида бўлсайди.

Сўнгра инсон доимо соғлом бўлиб юриши учун нималарга кўпроқ амал қилишлари лозимлигини айтиб, халқ ҳимматларидан, қадриятларимиздан мисоллар келтираман. Масалан, боз кийимнинг фойдали жиҳатларига тўхтalamан. Ота-боболаримиз йилнинг тўрт фаслида ҳам ўзига хос боз кийимда юрганлар. Боз кийим қишининг совуғидан, ёзинг жазира масидан боз мияни ҳимоя қилади. Демак, дўлпли, белбог ва бошқа миллий либосларимиз ҳозирги кун гигиенасига ҳам тўла жавоб беради, деб гапимни давом эттираман.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир одам табиатнинг муҳим мўъжизаси бўлган мияни эҳтиёт қилиши ҳақида зарур. Аввало, бўлажак авлод соғлом дунёга келиши учун ота-она ҳомиладорликнинг биринчи кунлариданоқ

албатта, инсон ақл-идроқи билан ўз соғлигини авайлаши йўлида заарли одатларга берилмаслиги, кун тартибига риоя қилиши, ақлий ва жисмоний фаолиятни навбат билан алмаштириб туриши асаб системасининг нормал ривожланишига ёрдам беради. Мия асаб ҳужайралари чарчашининг олдини олишда нималарга эътибор бериш зарурлигига кенг тўхталаман ва гимнастика машгулотлари, бадантарбия машқлари аҳамиятини ҳамда ўғил-қизлар спорт билан мунтазам шуғулланиб борсалар кайфиятлари мудом тетик бўлиб юришини мисолларга мурожаат қилган ҳолда сўзлаб берман. Шу аснода, жисмоний меҳнатнинг асаб марказларига ижобий таъсирини ҳам атрофлича айтиб ўтаман.

Мавзуни ўқувчиларга тушунириш жараёнида боз мия, орқа мия ва улардан чиққан асаб толалари кўрсатилган кўргазма, ташки таъсириларни сезиш кўргазмаси, боз мия муляжлари, турли мимик ҳаракатлар тасвиранлан-

ўқувчилар янги мавзуни мустаҳкамлаш босқичида янги педагогик технологиянинг баҳс-мунозара усулидан фойдалана билиш қобилиятларини намойиш этадилар. Жараёнда улар дарсда ўрганилган қонун ва қоидаларни кўллайдилар. Асосийси, ўқитувчи томонидан берилган янги мавзу ахборотини ижодий қайта ишлай оладилар. Ўқувчилар “Одам ва унинг саломатлиги” фанидан ўрганган билимларидан кундалик хаётларида мунтазам фойдаланиб боришлари учун уларга севимли шоишимиз Эркин Воҳидовнинг “Асаблар” шеърини таъсирили қилиб ўқиб бераман.

**Асаблар,**  
**Асаблар,**  
**Асаблар...**  
**Сабабсиз сочилган**  
**ғазаблар,**  
**Гуноҳсиз чекилган**  
**азоблар.**  
**Кўз ёшлар...**  
**Барига сабаблар**  
**Асаблар, асаблар,**  
**асаблар.**  
**Асаблар кимларни**

**Sinab ko'ring**  
кулатмас,  
Асаблар уйкуни  
йўлатмас,  
Қалбни ҳеч шодликка  
тўлатмас,  
Одамзот темирмас,  
пўлатмас!  
Асаблар кимларни  
кулатмас!..

**Асабга сўз берманг,**  
**одамлар,**  
**Фазабга йўл берманг,**  
**одамлар,**  
**Умр-ку шунчалар**  
**қисқадир,**  
**Шуни ҳам қилмаймиз**  
**биз қадр.**  
**Асабга сўз берманг,**  
**одамлар,**  
**Асабга йўл кўйимнг,**  
**одамлар!**

Ўғил-қизлар шеърдаги ҳар бир тушунча таъсирида нима қилиш фойдалию, нима қилиш соғлом ҳаётимиз учун заарли эканлигини англайдилар. Мухими, улар инсон соғлом, бақувват, узоқ умр кўриши учун зарур бўлган гигиена қоидаларига амал қила бошлайдилар.

Хулоса шуки, “Одам ва унинг саломатлиги” фанидан ўтиладиган ҳар бир мавзу инсон саломатлиги учун қўйилган янги бир қадамдир. Биз бу фанни ўқувчиларга янги педагогик технология асосида тушунтира олсан, ҳозирги куннинг заарли белгилари — наркомания, спиртли ичимликларга берилиш, СПИДга чалиниш каби касалларининг олдини олган бўламиз. Зотан, ёш авлодни жисмонан бақувват, ақлан етук қилиб тарбиялаш ҳар бирилизнинг фуқаролик бурчимиз ҳамdir.

**Барножон ОТАНИЁЗОВА,**  
**Хоразм вилояти Хонқа**  
**туманидаги**  
**Муқимий номли 18-**  
**умумтаълим**  
**мактабининг биология**  
**Фани**  
**ўқитувчиси**

## КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари сафига қўшилишга интилаётган ўлакамизда янги технологиялар, яъни компььютерлардан фойдаланишга кенг эътибор бериладиган. Негаки компььютерлар бутунги кунга энг қулай, илғор коммуникация воситаси ҳисобланади. Мухбиримиз ҳозирда мактабларда компььютердан фойдаланиш аҳволи билан қизиқуб, Республика Таълим Марказининг математика, информатика ва технология бўлими бошлиги Баҳодир Болтаевга мурожаат қилди.

Хозир мактаб жамоаларида ўқувчиларга энг замонавий технологиялардан, хусусан, компььютерлардан фойдаланиб сабоқ бериш, мавзуни улар асосида чуқур ёритиш вазифаси юкланаётган. Ўқувчи ил ёшдан бошлаб компььютерни ишга туширишнинг элементар соҳаларини билиши керак. Иккинчидан, бу техника, айниқса, ўқувчининг кейинги ҳаётида муҳим ўрин тутади, яъни олий ўқув юртларида мактабда олган илмини қайтадан бошламай, балки уни давом эттиради, ўз билимини бойити боради.

— Баҳодир ака, вилоятларда компььютердан фойдаланиш ҳамда техник кўриқдан ўтказиш, созлаш ва уларни керакли маблаг билан таъминлаш масаласи қандай йўлга қўйилган?

— Биз сентябр ойининг охири ва октябр ойининг бошида 10 кун давомида республикамизнинг Қашқадарё, Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида сафарда бўлиб қайтдик. Энг аввало, шуни алоҳида таъкидлаб ўтишим жоиз, биринчидан, компььютер қўёш тушмайдиган тоза, озода жойда сақланиши, компььютер билан жиҳозланган ҳар бир хонада сигнализациялар ўрнатилиши зарур. Иккинчидан, компььютерлар бир маромда ишлатилиши, яъни ишлатилмасдан бир жойда

**Dolzarb mavzu**

турмаслиги ҳамда доимий кўриқдан ўтказиб турилиши керак. Бизнинг сафардан асосий кўзлаган мақсадимиз ҳам жойларда юқорида айтиб ўтилган вазифаларга қай даражада амал қилинаётганлиги ва мутасадди раҳбарларнинг бунга эътиборини аниқлаш эди. Қолаверса, ўқитувчиларни синовдан ўтказдик. Ўқувчиларга компььютер илмидан қайта тайёрлов курсидан ўтган ўқитувчилар дарс бермоқда. Тўғрисини айтганда, бизни вилоятларда компььютер билан таъминланиш бўйича Навоий вилоятидаги аҳвол қониқтириди.

— Сизга яхши маълумки, сентябр ойида мамлакатимизда ҳар йили ўтказилиб келинаётган “Йил ўқитувчиси” кўриқ-танловининг галдаги республика босқичи якунланди. Ва иштирокчилар танлов шартларига кўра компььютер синовдан ҳам ўтказилди. Бошқа фан ўқитувчиларининг бу соҳадаги илмлари қайси усул билан баҳоланди?

— Биз олдинги йиллarda тест орқали ўқитувчиларни синовдан ўтказар эдик. Бу йил, аввалгиларида фарқли ўлароқ, ўқитувчи янги педагогик технологиялар асосида дарсида маълум мавзуларда фойдалана олишини, кўллай билишини синаш мақсадида 10 минутта мўлжаллаб компььютерни ишга туширишдан то бирор матн ёзиб, уни принтердан чиқариб ўчиришгача бўлган вазифаларни билиши шарт, деб 5 балли тизимда баҳоладик. Негаки, компььютер сафоқлари 1987 йилда ўқув дастурига киритилган бўлиб, олий ўқув юртларида ҳам бу фан ўргатилган. Шунинг учун бошқа фан ўқитувчилари ҳам юқорида айтиб ўтилган жараёнларни билиши зарур.

**Райхон ХОЛМУРОДОВА**  
**сухбатлаши.**





XX асрда жаҳон ҳамжамиятидаги туб узгаришлар, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси туфайли мисли курилмаган узгаришлар рўй берди, индустрисал жамиятдан ахборот жамиятига ўтилди. Физика техника, табиат ва гуманитар фанлар доирасига кириб кетди. Лазер нури ишлаб чиқариш ва тиббиёт врачининг ишчи куролига айланди, плазма, ионлар, ядро нурлари янги, ута мустахкам материаллар олувчи мағнабага айланди. Лазер, ядро, магнит ёзиб олиш, космик техникалар юзага келди. Инсоният тарихидан космос забт этилиб, одамлар бошқа планеталарга учирildi. Ҳозирги вақтда космос халқ ҳужалигининг барча соҳаларида ишлатилмоқда. Физиканинг табиат ва техникага кириб бориши туфайли техникага магнит совутчи техникаси пайдо булади. Шу вақткача совутчи машинасида ишлатилиб келинган фреон урнини магнит материаллари олади. Бу экологик жиҳатдан ҳам қуладир. Космик техникаси наркобизнесга, халқаро тероризмга, уюшган жинойи гурухларга ва турли хил экстремистик оқимларга қарши курашда ҳам кенг фойдаланилади, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Физиканинг (акустика, радиоэлектроника, лазер, тола оптикаси, микроэлектроника, магнетизм ва ҳ.к.) информатика билан кушилиши натижасида Интернет (бутун жаҳон ахборот тармоғи) вужудга келди. Бу эса томъянида XX асрда фан ва техникадаги кўприкни олиб ташлади.

Бу фан ҳар қандай мураккаб жарён (табиий ёки социал)ларни тушунишида кўл келаяти. У XXI асрда энг ривожланиши керак бўлган фанлар каторига киради. АҚШ (Техас университети)да шу фаннинг асосчилари Нобель мукофоти лауреати И.Пригожин бундай марказни бошқармоқда. Узбекистонда ҳам бу йўналишида жуда яхши илмий-техникиш ишлари олиб борилапти. Узбекистон физиклари ҳам XX асрда ядро физики, начицикли тўлқинлар, оптика, яримутказгичлар, физик электроника, магнетизм, иссиқлик физикаси соҳасида жуда муҳим ютуқларга эришдилар, илмий мактаблар вужудга келди ва уларнинг халқаро алоқаси кучайди.

Буни биргина Самарқанд Давлат Университети мисолида айтсан, 2000-2001 йиллар давомида 20 дан ортиқ физик олимлар чет элларда халқаро конференцияларда иштирок этдилар. Илгор мамлакатлар — АҚШ, Германия, Япония, Англия, Франция, Италия каби давлатларнинг олимлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдадар. INTAS, НАТО ва CRDF транслатори сорвирнорлари бўлдилар.

Юқоридагилардан шундай хулоеа қўзини мумкини, мамлакатимиз олимлари физика фанини ривожлантиришида жаҳон миқёсида салмоқли ўринини эгаллаб келмоқдадар.

XXI аср бусагасида давлатимизда Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури қабул қилинди, у жаҳон ҳамжамияти томонидан маъқуланди. У таълим тизимида үлкан узгаришлардан бири бўлди. XXI асрда таълимимиз стратегиясини белгилаб берди.

XXI асрда физиканинг қайси соҳалари ривожланиши ҳамда у таълим тизимида қандай роль йўнаши керак, деган савол туғилиши табиийдир. Биринчи навбатда начицикли жараёнлар физикаси, аморф жисмлар физикаси, наноструктура, нано ва мезоскопик магнетизм, спинtronika, ёниш ва портлаш, экстремал ҳолатлар, экология ва тиббиёт, космик ва материаллар физикаси каби бўлимлар кенг ривожланади. Физиканинг бу бўлимлари техника, табиатшунослик, астрофизик, оптиканинг кушилиши туфайли спинtronika фани вужудга келди. Бу ҳақда 9-11 август (2001 й.) АҚШ (Вашинг-

тон) 1-жаҳон конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияда узбек олимлари ҳам қатнашилар.

Конференцияда кутарилган масалалар таҳлили шуну кўрсатди, XXI асрда бутунлай янги типдаги технология—нано ва мезотехнология пайдо бўлди ва бу технология шу вақтгача мавжуд барча технологияларни узгаришиб юборди. Ҳозиринг ўзидаёт АҚШда спин вентиллар, спин транзисторлар ишлаб чиқилмоқда. Бу технологиялар мавжуд асбобозлик техникасини бутунлай кичик ҳажмли қилиб юборди. Битта “дипломат” портфелида телевизор, радио, компьютер, телефон, видеомагнитофон, фотопарор жойлашиди. Магнитизм, иссиқлик техникаси ва совутчи техникасининг кўшилиши натижасида янги типдаги магнит совутчи техникаси пайдо булади. Шу вақткача совутчи машинасида ишлатилиб келинган фреон урнини магнит материаллари олади. Бу экологик жиҳатдан ҳам қуладир. Космик техникаси наркобизнесга, халқаро тероризмга, уюшган жинойи гурухларга ва турли хил экстремистик оқимларга қарши курашда ҳам кенг фойдаланилади, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳозирги замон физикасининг энг янги ютуқлари фақат табиатшунослик ва техниканинг турли хил бўлимларига кириб қолмасдан, балки замонавий иктисол, социология, бошқариш назарияси, психология ва бошқа соҳаларга ҳам кириб кетади. Масалан “И.Ньютонданд Б.Мандельброттагача” (Staufer D.

академик И.Карпов Москвадаги “Студентлар ҳаёти” рўзномаси мухбирининг берган саволига жавоби диққатта сазовордир. Нима учун физика-техника университетига турли хил физика ва техника соҳасидаги корхоналар томонидан берилган буортмалардан кўра, иктисолдёт, молия ва банк тизимида ташкилотлардан кўпроқ буортма тушаётir, деган саволга кўйидагича жавоб беради: “Биз чукур физика-математика тайёрларлигига эга бўлган мутахассислар тайёрлаймиз, иктисолдёт ва молия олийхолари эса ўзининг соҳасига тегишили фанларни ўқитишига кенгроқ эътибор бериб, математика маълум дараражада ўқитилсада, физика ва информатика бўйича кам камровли илм беради. Шу боисдан ҳам бизнинг битирувчиларимизга эҳтиёж жуда катта. Биз том маънода универсал мутахассислар тайёрлаймиз. Бизнинг битирувчиларимиз халқ ҳужалигига, фаннинг исталган соҳасида ишлаб кетишида”, —деб жавоб беради.

Мисол сифатида ўз институтни битирган самарқандлик Р.Отахўжаев ҳозирги вақтда Москвадаги энг нуфузли банклардан бирини бошқармоқда.

Кейинги пайтлар ўрта мактаб ва олий мактаб талабаларидаги физикага қизиқининг йилдан, йилга пасайиб кетиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу масала оммавий ахборот воситаларида ҳам, турли хил конференцияларда ҳам айтилмоқда. Физика предмети бўйича ўзлаштиришнинг камайиши, ўзлаштириш кўрсаткичларининг пасайиши бошқа фанларга ҳам таъсир курасиши таби-

лойиҳаларни бажаришга мактаб ўқувчилари ҳам жалб қилинган. Бу ҳамкорлик натижасида талаба ва ўқувчилар янги кашфиётлар билан бевосита бояланиб, жонли физикани илмий тадқиқотда кўрадилар.

Бу тармоқнинг яна бир ибратли томони шундаки, мактаб ўқитувчилари ёзги таътил вақтида физика соҳасида олиб борилаётган жараёнларда илмий ишлари билан қатнашиб малакасини оширади. Шундай қилиб, ҳозирги кунда Кварк тармолги бутун АҚШ бўйича 600 ўрта махсус ўкув юртларидан 100000 ўқувчини жалб қилган. АҚШда ўкувчиларнинг физикага қизиқиши жонли физика орқали (илмий тадқиқот), энг янги ахборот ютуқлари билан узвий равиша боғлаш орқали амалга оширилмоқда. Бу ўз самарасини беради. Уқувчилар реал экспериментларда қатнашиб, реал физика нима билан шугулланыётганлигини сезади ва ўз кузи билан куради.

Германияда 1999 йилдан бошлаб, физика куни белгиланиб, бу кунда энг етакчи профессорлар, ўқитувчи ва ўқувчилар билан мuloқотда буладилар. Замонавий мавзуларда коллоквиумлар ташкил қилинади.

Японияда ўкувчилар ва ўқитувчилар учун турли хил репетитор марказлари мавжуд бўлиб, ўқувчилар буш вақтларидан бу марказларда қўшимча маълумотлар ва тажрибалар ўтказадилар.

Бу масалага ҳамдустлик мамлакатларида, жумладан, Россияда ҳам маълум дараражада ўтиборга молик ишлар олиб

## XXI АСРДА ФИЗИК ТАЪЛИМ

Stanli V. From Newton to Mandelbrot: A prim in theoretical physics. Springer-Verlog. Berlin. N.Y. 1990) деб аталган китобга иктисолдилар ҳам, физиклар ҳам баб-баравар мурожаат қўлмоқдалар. Бу китобда табиат ва жамиятда кўп ўхшашликлар бор эканлиги кўрсатиб берилган. Синергетика фанидан иктисолдий ва физик масалаларни ечишга доир жуда кўп мисоллар келтирилган. Россияда иктисолдётда физик аналогиялар номли курслар ўқилмоқда. Физика Конунларининг қурилиши иншотлари мустаҳкамлигини оширишига доир бир неча ихтиро ва патентлар мавжуд. Ф.Кир “Дао физика” китобида Шарқ диннинги ютуқларни бор эканлиги кўрсатиб беради, бу эса шу вақтгача гуманитар табиий фанлар ўртасида мавжуд бўлган чегарани олиб ташлашга асос бўлади.

Ана шу юқорида зикр қўлинган жараёнлар узлуксиз таълим тизимида ҳам ўз аксими топиши керак. Нобель мукофоти лауреати, машҳур француз физиги Луи де Бройл “Ўқитиши бу—фанда эришилган ютуқларни оммага узатишдан иборат”—деб айтган эди. Бу масаланинг ҳалқаро қурилиши давлатимизда Президент И.Каримовнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури “таълабарига ҳам жавоб беради.

XXI аср мутахассиси жуда кенг қамровли билимга эга булиши керак, акс ҳолда у замон таълабларидан орқада қолади. Физика соҳасига утсак, XXI асрда тайёрланидиган физик чуқур физика-математика-информатика-синергетика тайёрларлигига эга бўлган мутахассис булиши керак. Бундай мутахассис фақат физика, математика, информатика соҳасига ишлаш кўнинмасидан ташқари, унга таниш бўлмаган янги соҳада ишлай олиш кўнинмасига ҳам эга бўла олади. Масалан, Москва физика-техника университети шундай турли хил соҳаларда бемалол ишлай оладиган мутахассислар тайёрламоқда. Шу университет ректори

иайдир. Ҳатто технологик кризисга ҳам олиб келиши мумкин. Шунинг учун бутун жамоатчилик, давлат ташкилотлари бу масаланинг олдини олиш тадбирларини кўришлари зарур.

Физикани ўрганишига қизиқининг пасайиши бутун дунёда физиклар дуч келган муаммодир. Бу муаммо Интернэтдаги “Физик дунё” электрон журнал саҳифаларида кенг муҳокама қилинмоқда. Шу мақсадда Буюк Британияда физика институти ва Сальтер ташкилоти 16-19 ёшдаги ўкувчилар учун физикани ўқитишини янги режасини ишлаб чиқди, бу режада физика замонавий руҳда тузилган, уни ўргатиш соҳасига ҳам фаоллик сезилмоқда. Бу курс “Ривожланаётган физика” деб номланади. У физикани ўқитишини ҳозирги замон даражасига яқинлаштиради ва ҳозирги замон физикасининг барча бўлимларини қамраб олади.

Бу курсни ўқитиш компютер технологиясидан фойдаланишига қаратилган, физик мавзуларнинг бўлимлар бўйича жойлаштирилиши бутунлай янгичадир. Маълумки, шу вақтгача ўқитиши ўқитувчи ва ўқувчи мuloқотига асосланган эди, ҳозир эса бу мuloқот янги мухит — компютер орқали бажарилади, хуллас, компютер физикани ўқитишида асосий ролни ўйнайди.

Яқинда Европа ядро тадқиқотлари институти (CERN), Европа космик агентлиги (ESA), Европа астрофизика обсерваторияси физикани оммалаштириш бўйича қўшма лойиҳа тузди. Бу лойиҳа 22 мамлакатни ўз ичига олади, бу ҳамкорлик доирасига оммавий ахборот воситалари, энг кучли физиклар физикани оммалаштириш масалалари билан шугулланади, физика фани бўйича оммавий китоблар нашр қиласди.

АҚШда (Иллинойс штати) Ферми лабораторияси ходимлари Кварк тармолгини ташкил қилишди. Бу тармоқ 60 та университет ва илмий лабораторияларни бир-бири билан боялайди. Илмий иш билан бевосита шугулланыётган олимлар физика ўқитувчилари ва ўкувчилари билан ҳамкорликда ишлайди. Илмий

борилмоқда. 2000 йилда Россияда физик ўқитувчиларнинг съездидаги “XXI асрда физик таълим концепцияси қандай бўлиши керак”—деган масала қараб чиқиди. Съезд очилишида сўзлаган нутқида, МДУ ректори академик В.А.Садовничий иккى нарсани таъкидлаб ўтди. Биринчидан, нима учун Россия физиклар съездини ўтказмоқда? Бунинг сабабини инглиз ёзувчиси Сноекнинг “Ҳозирги кунда физикани тушунмаган одам неолит даврининг одами билан баробар”—деб айтган иборасини айтib ўтди. Иккинчидан, физик таълим концепциясининг ишлаб чиқилиши бошқа фанларнинг концепцияси учун асос булади деб айтди, чунки оламнинг физик манзараси ҳозирги кунда оламнинг табиий илмий ва синергетик манзарасини ишлаб чиқиши асос булади. Шунингдек, В.А.Садовничий уз нутқида Узбекистонда таълим тизимида физика фанини ўқитиши мумлаколари таъкидлаб ўтказадилар.

Давлатимизда ҳам бу соҳада маълум ишлар олиб борилмоқда. Масалан, Самарқанд давлат университети ташаббуси билан 2000 йил (5-7 май)да “Умумий ўрта таълим мавзулари” таълим тизимида физика фанини ўқитиши мумлаколари таъкидлаб ўтказадилар. Конференцияни ўтказишдан асосий мақсад — Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури таълаблари асосига физиканни ўқитишини ҳозирги бажарилган таълими, тажриба алмашиш ва соҳада бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ишлаб чиқиши эди.

Анжуманга республикамизнинг купчилик олий ўкув юртлари, академик лицеи, касб-хунар коллежлари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, Давлат Тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ саклаш вазирлиги тасарруфидаги ўкув юртлари жамоатларининг етакчи мутахассислари иштирок этдилар. Анжуманнинг ялпи ва шуъба мажлисларида 150 та маъруза тин-гланди ва муҳокама қилинди.

Конференцияда муҳокама қилинган масалаларнинг таҳлили шуни кўрсатди-ки, узлуксиз таълим тизимининг барча буғинларида физикани ўқитишининг ягона концепцияси ишлаб чиқилмаганлиги, ҳар бир вазирлик ўз тасарруфидаги ўқув юртлари учун ДТСларини кенг муҳокама қилинмасдан тузоётганлиги, тегишли вазирликлар ўртасида бу масала да горизонтал боғланиш йўқ эканлиги маълум бўлди. Ўқувчиларнинг физикадан олган билимлари йилдан-йилга пасайиб кетаётганлиги ачинарли ҳол эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Бу жараён Олий ўқув юртларида ҳам талабаларнинг ўзлаштиришига таъсир кўрсатмокда. Оқибатда физика мутахассислиги оммавий бўлмай қолмокда. Бундай талабани ўқитиш муаммоси ҳам туғилмокда. Мавжуд таълим дастурлари талабга жавоб бермай қолди. Бунинг бирдан-бир сабаби эса, олий ва ўрта таълим Давлат стандартларининг ҳозирги кун талабидан орқада қолаётганлигидир. Бошқа бир сабаби эса, ўрта мактабни битирувчилар учун физика предмети бўйича битирув имтиҳонининг бўлмаганлиги, жуда кўп олий ўқув юртларида кириш имтиҳонларида физика фанининг йўқлиги, умумий ўрта мактабларда физика бўйича лаборатория жиҳозларининг етарли эмаслигидир. Ҳозирги кунгача академик лицей ўқувчилари, касб-хунар коллежи талабалари учун физикадан замонавий дарслик йўқ. Мамлакатимизда физикани оммалаштириш бўйича деярли иш олиб борилмаётганлиги, рус тили ва бошқа тилларда физикадан жуда кўп ом-

Республикамизда физика таълиминг сусайиб бораётганлиги яқинда “Маърифат” газетасида чоп этилган мақолаларда ҳам кўрсатиб берилди. Газетанинг 2001 йил 2 июнда чоп этилган “Физиканинг бугунги муаммолари” мақоласида К.Турсунметов, М.Нишонова, Ш.Аҳмедов физикадан Олий ўқув юртларига ўтказилган тест натижалари бўйича ҳам, олимпиада якунлари бўйича ҳам кўрсаткич йилдан-йилга камайиб кетаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Умумтальим фанлари бўйича ўтказилган олимпиада якунларида физика фанидан 1-ва 2-уринларнинг буш қолиб кетаётганлигини, ҳеч бир ўқувчи бундай уринларни эгаллай одмаганлиги ачинарли ахволдир. Муалифлар физика таълимига талабава ўқувчилар қизиқишини сусайиб кетиши сабабини, физиканинг кўпгина олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига киритилмаслиги, мактабни битириш имтиҳонларида бу фан бўйича имтиҳоннинг бўлмаслигини асос қилиб курсатадилар.

Хуллас, муаллифлар бугунги кунда физик мутахассисларни тайёрлаш муаммоларини зудлик билан қайта күриб чиқиши, мазкур фанга бўлган эътиборни алоҳида кучайтириш кераклигини бунинг учун физика фанидан барча тиббий, фармокология, қишлоқ хўжалиги ички ишлар, мудофаа вазирликлари та сарруфидаги олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари киритиш керак, дебхисоблайдилар.

Бу таклифни қўллаб-қувватлаб, Бухоро университетидан Т.Жўраев (“Маъри

таларида, бу масалани ечиш бўйича олимлар, ота-оналар, академиклар, етакчи профессорлар, методист-ўқитувчилар, Олий ўқув юрти, Фанлар Академияси раҳбарларининг фикрларини ўрганиб, кейин уни тегишли ишчи груп орқали умумлаштириб, съезд ёки конференцияда муҳокама қилиш орқали уни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш, тегишли қарор қабул қилиш керак. Ушбу қарорда таълимга маъсул идоралар ва вазирликларнинг ишларини мувофиқлаштирувчи маҳсус фундаментал фанлар шу жумладан, физика жамияти тузиш лозим. Бундай жамият барча ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатмоқ да ва ўз самарасини бермокда. Бу жамиятга мамлакатдаги йирик олимлар, тегишли вазирликларнинг вакиллари, илфор ўқи-түвчилар ва бошқа нодавлат ташкилотлардан вакиллар киритилиши керак. Жамиятнинг асосий вазифаси физика бўйича илмий ва услубий конференциялар, замонавий ўқув дарсликлигини ёзиш бўйича танловлар эълон қилиш, узлуксиз таълим тизимиини барча бўғинлари учун давлат таълим стандартларини ва ўқув дастурларни тақомиллаштириш, олимпиадаларни ташкил қилиш ва ҳоказолар ҳисобланиши керак.

Юқорида баён этилган масалаларни ечиш ва XXI асрда физик таълим концепциясини ишлаб чиқиш учун қуидада

публика физикларининг съездини чакириш керак. Бу анжуманда XXI асрда физик таълим концепциясини қабул қилиш ва республика физика жамиятини тузиш керак.

4. Давлат «таълим стандартлари асосида янги дарсликлар, қўлланмалар ёзишга киришиш керак. Бу дарсликларда барча мутахассисликлар учун зарур бўлган янги атамалар, тушунчалар ва қонуниятлар ўз аксини топиш керак. Булар ўрта таълимда ва олий таълимда шу вақтгача мавжуд бўлган дарслик ва қўлланмаларда ўз аксини топмаган. Чунки, улар факат физика учун зарур бўлмасдан, балки кимё, биология, экология, социология ва бошқа мутахассислар учун ҳам зарур бўлган универсал тушунчалардир. Шунингдек, дастурда юқорида қайд этиб ўтилган физиканинг бошқа фанлар билан қўшилиб кетишини ҳам ҳисобга олиш керак. Компьютер технологиясининг ва микроэлектрониканинг бутун физика жараёнига чамбарчас боғлиқлиги ва унинг бу жараёнда ўрганиш, таҳлил қилиш ва илмий ишда кенг қўллашни ҳисобга олиб, университетларда физик-информатик ва компьютер-электроника бўйича мутахассис тайёрлаш мақсадга мувофик бўлар эди.

5. Халқ таълими вазирлиги тасарру-  
фидаги янги ташкил қилинган “Фи-  
зика, математика, информатика” жур-  
нали физикани оммалаштиришда мұ-  
хим қадам бүлади, энди унга Ўзбекис-  
тон физика жамиятини сафарбар этиб,  
бу журналда узлуксиз таълимнинг бар-  
ча поғоналари бүйича ўқув услугбий  
ишлар чоп этилиши керак. Бу журнал  
саҳифаларида билимни назорат  
қилишнинг рейтинг тизими учун топ-  
шириқлар ва унинг маҳсус сонларида  
тест топшириқларидан намуналар бе-  
риб борищ, ижобий натижаларга олиб  
келади.

6. Академик лицейларда талабалар нинг физикани ўрганишга қизиқишини ошириш учун Фанлар академияси тизимидағи Илмий-тадқиқот институтларининг илмий салоҳиятидан, илмий курилмаларидан кенг фойдаланишга уларни кенг жалб қилиш максадда мувофиқдир.

7. Олий ўқув юртларига қабул имтиҳонларини қайта күриб чиқиш керак. Давлатимизда тест бўйича қабул утган дастлабки даврларда бу масала жуда яхши эди. Барча мутахассисликлар учун кириш имтиҳонлари 6 тадан кам эмас эди. Сўнгра унинг сони 3 тага камайтириб юборилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, физика олий ўқув юртларнинг табиий факультетларига, қишлоқ хужалиги, тиббиёт олийгоҳларига кириш имтиҳонларидан бутунлай олиб ташланди. Бу ҳол фан, техника ва ишлаб чиқариш жараёнида рўй берадиган интеграция жараёнига мутлақо тескаридир. Ҳозир жаҳонда физика, кимё, биология ҳатто гуманитар фанлар бирлашиб кетаётган пайтда буни қандай тушуниш керак? XXI асрда фан, техника ва индеб широрни

рда фан, техника ва ишлаб чиқариш янада чуқурроқ интеграциялашиб кетади. Шунинг учун барча мутахассисликлар учун кириш имтиҳонлари икки блокдан иборат бўлиши керак: табиий фанлар блоки (математика, физика, информатика, кимё, биология), гуманитар фанлар блоки (тарих, география, тиллар). Бу иккала блок барча мутахассисликлар учун кириш имтиҳонлари учун мажбурий бўлиши шарт. Факат табиий, техника, иқтисодиёт мутахассисликларида биринчи блокдаги баллар сони юқори белгиланса, иккинчи блок баллари пастроқ бўлиши мумкин. Гуманитар мутахассисликларда эса аксинча. Блокларга киритилган фандар бўйича саводлар

киритилган фанлар буиича саволлар 10-15 тадан ошмаслиги керак. Бундай тадбир мактаб ўқувчиларининг барча фанларга, шу жумладан, физикага ҳам қизиқишини ошириши шубҳасиздир.

**Облокул ҚУВОНДИКОВ,**  
**Педагогика фанлари халқаро**  
**Академиясининг мухбир-аъзоси**

мавий ва қизиқарли китоблар булишига қарамасдан, ўзбек тилида оммабоп китоб у ёқда турсин, ҳатто 20 мартадан зиёд қайта нашр қилинган Перельманинг “Қизиқарли физика”си ёки Дж. Орирнинг уй бекалари учун ёзилган “Оммабоп физика”си рус тилига таржима қилинганинига 20 йил ўтган бўлса-да, ҳозиргача ўзбек тилига таржима қилинмаган. Физикани оммалаштиришда замонавий усуллардан бири — дистанцион таълим тизимидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳозирги кунда давлатимизда бу ўқитиш усулидан фойдаланишга компьютер тармоғи етарли. Вилоят марказларида дистанцион таълим марказларини ташкил қилиш керак. Бу марказларда физикадан маъруза, консультациялар нафақат олий ўқув юртларига киравчилар учун, балки қишлоқ ўқувчилари ва талабалардан ташқари барча фуқаролар ҳам физикадан билимини ошириш имконияти туфилади. Давлат тест марказининг вилоятларда ташкил қилинган бўлимларидан ҳам шу мақсадларда фойдаланилса ёмон бўлмас эди. Ушбу тадбир яқиндагина эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, “Интернет”нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб бориш дастурини ишлаб чиқишини ташкил этиш чора-тадблари тўғрисида”ги қарорига жавоб булади. Физикани ўргатишда ва унга қизиқиш ҳосил қилишда “Интернет” тизимидан фойдаланиш катта самара беришини юқорида илгор мамлакатлар тажрибаси мисолида кўрдик.

Конференцияда мұҳокама қилингандай  
маъruzалар таҳлили яна шуни тасдиқ-  
лайдики, умумтаълим мактаби, академик  
лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитув-  
чилари ўзларининг педагогик маҳорати-  
ни етарли даражада оширмаётганлиги.  
Ўқитувчи ва ўқувчилар учун илмий-услу-  
бий характердаги физикадан журналнин  
йўқлиги, ўқиш жараёнига янги педаго-  
гик ва янги ахборот технологияларини  
қўллашда сустлик билан иш қилинаёт-  
ганлиги маълум бўлди.

фат” №73, 15 сентябрь 2001 йил) Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларидан шу йилнинг охирига ча “Физикани ўқитиши: муаммолар ва ечимлар” мавзусида 1-республика илмий амалий анжуманини ўтказишни таклиф қиласи. Анжуман пухта ишлаб чиқилган аник таклифлар ва режа-тадбирлар билан ташкил этилса, барча таклиф ва таңқидий фикрлар, қарорларнинг бажарилиши ҳукумат доирасида назорат этилиб борилса, муаммоларнинг тез ечими топилади, деб ҳисоблайди. Муаллиф анжу ман чақириш орқали муаммони ҳалишишни таклиф этади.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги матбуотда кўтарилилган масалаларни ечиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқсан (“Маърифат”, 4 август, 2001 йил). Тадбирларнинг мазмунини таҳлил қиласангиз, бу тадбирларни янада кенгайтириш ва уни мукаммалаштириш кераклиги кўринади. Масалан, XTB тадбирининг 5-бандида “Физика дарси амалий машғулотларини компьютер воситалари орқали утиш режасини ишлаб чиқиш ва уни босқинча-босқич жорий этиш лозимлиги айтилган. Бу замон талабидан оркада қолиш эмасми?

Хуллас, физика фанига бўлган қизиқишини ва уни ўқитишининг самарадорлигини оцириш учун тегишли вазирликлар, Республика Фанлар Академияси Давлат Тест маркази, Олий Аттестаций комиссияси, олий ўқув юртлари ректорлари, университетларнинг физика факультети жамоалари, Республика педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, Олий ва ўрта маҳсус мактаб муаммолари институти, вилоятлардаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари ҳамда марказлари биргаликда иш олиб бориб, давлатимизда физик таълимни юқори савияга кўтариш бўйича горизантал ва вертикал поғоналар бўйича ижодий ёндошиб, XXI асрда физик таълим концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Бу масалани ечиш учун жаҳонда илгор давлатлар, ҳамдўстлик давлатларидаги тўпланган тажрибаларни биргаликда таҳлил қилиб чиқишимиз лозим. Ҳозирча оммавий ахборот восьи

ги йұналишларда иш олиб бориш керак, деб үйдайман.

Деб уилаиман.

1. Давлатимизда физика-техника йўналишидаги университет очиш керак. Бундай университет учун моддий-техник базава кадрлар салоҳияти етарлидир. Фанлар академиясининг физика-техника, электроника, ядро физикаси институти, иссиқлик физикаси бўлими ва академ асбобсозлик бирлашмаси шу университетнинг таркибий қисмлари булиши керак. Бу университетда қуйи-даги факультетлар: физика-техника, физикавий электроника ва микро-электроника ядро физикаси ва техникаси, биотиббиёт техникаси ва технологияси, информацион технологиялар ва компьютер физикаси булиши лозим. Бундай университет Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бу университетнинг ташкил этилиши физика фанининг техника, ишлабчиқариш ва таълим билан алоқасини бир-бирига боғлайди, давлатимизни иқтисодий ва мудофаа қурдатини мустаҳкамлайди. Физика ва бошқа замонавий йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

2. Физикани ўрганишни оммалаштириш бўйича сабитқадамлик билан иш олиб бориш зарур. Бу масалани ечишда иккита муҳим вазифани бажариш керак. Биринчидан, барча оммавий ахборот во сидалари физик олимларнинг радио-тевизионидение, газета ва журнал саҳифаларида чиқишиларини ташкил қилиб туриш керак. Иккинчидан, ҳаммабоп физикалар яратиш рус ва инглиз тилида бу соҳада мавжуд бўлган адабиётларни ўзбек тилига таржима қилиш, физикадан энъяхши оммабоп китоб учун танлов эълон қилиш ва танлов голибларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш физикани оммалаштиришда масофалий ўқитиш услубидан кенг фойдаланиш керак.

3. Физика таълимида XXI асрда рўй берадиган революцион ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда физика мутахассислиги бўйича узлуксиз таълим тизимида ги барча мавжуд Давлат таълим стандартларини қайта кўриб чиқиш керак. Бу стандарт матбуотда ва турли хил кенгаҳ ҳамда конференцияларда кенг муҳокама килиниши зарур позим бўлса рео-

**Облокул ҚУВОНДИҚОВ,**  
**Педагогика фанлари халқаро**  
**Академиясининг мухбир-аъзоси**







Таълимнинг замирида нима ётди, деган саволга одатга кўпчилик шундай жавоб беради: дарслик ва қўлланмалар. Ислоҳотлар жараёнида таълимнинг барча босқичларида дарсликларнинг янги авлодини яратишга ҳаракат бошланган. Миллий дастурнинг 2001-2005 йилларга мўлжалланган иккинчи босқичига қадам кўйиш асосига магистратуранинг дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиши ҳам долзарб аҳамияга эгадир. Қуидга Тошкент Давлат шарқшунослик институти ва Ўзбекистон Миллий университетларида бу борада олиб борилаётган ишлар таҳлили берилади.

### КЕНГ ҚАМРОВДА

Ўзбекистон Миллий университетидаги магистратура таълимидин намуналари ташкил этиши мақсадига Фанлар Академияси билан ҳамкорликда шу йилнинг 1 февралидан бошлаб "Магистратура ўқув-иммий маркази" ташкил этилган эди. Ҳозирги вақтда у билан алоқа ўрнатган иммий-тадқиқот институтлари 15 та бўлиб, кенг қамровдаги 51 та шартномалар тузилган.

Магистратура нафақат таълим босқичи, балки илмталаб ёшларнинг салоҳиятими юзага чиқаришда ҳам ўзига хос майдондир. Бу ўйлар магистрик дипломига эга бўлган 203 нафар ўигит-қизларнинг иммий ишланмалари қисқача баёни университет нашриётида тўплам ҳолига чоп этилди. Иктидорли магистрларнинг тадқиқотлари эса алоҳига тўплам ҳолига чиқарилди.

Магистрик диссертацияси нима? У қандай тайёранац? Таджикотга кўйиладиган талаблаф қандай? Илмий раҳбар магис-

### МАГИСТРАТУРАДА ШАРҚШУНОСЛИК ИПМИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институти магистратурасига қабуллар барча жойдаги сингари 1999-2000 ўқув йилида бошланди. Ҳозир 13 та мутахассислик бўйича магистратура таълими йўлга кўйилган бўлиб, уларда шарқшунослик имининг муҳим йўналишлари камраб олинган.

Бу соҳалар бўйича таълимни ташкил этиши учун шарқ филологияси мутахассислиги тиллар ва адабиётлар гурӯҳларининг алоҳидалигини инобатта олсан, аслида 27 та ихтиносликка намунавий ўқув дастурлари ва ишчи ўқув режалари ишлаб чиқиди. Асосий ўқув предметлари, махсус курслар ва танланган фанлар рўйхати барқарорлаштирилди. Ўқув илини давомида барча мутахассисликлар бўйича ўқиш жараёни уларга мувофиқ тарзда ташкил этилди.

Услубий таъминот соҳасида "Магистрик диссертациясини тайёрлаш ва унга кўйиладиган талаблаф тўғрисида услубий қўлланма" ишлаб чиқиди. Магистрик диссертациясини баҳолаш мезонлари келишиб, тасдиқлаб олинди.

Барча мутахассисликлар бўйича, магистратура таълими хусусиятидан келиб чиқиб, ихтинослик фанлари белгилаб олинди. Уларнинг асосий предметлари юзасидан ўқув дастурлари тузилиб, кафедраларда муҳокама қилинди. Бу фанларнинг кўпчилиги янги жорий қилинганини туфайли, дастлаб, асосан иммий монографик адабиётлардан ҳамда институт кутубхонасидаги маъруза матнларидан.

трант билан қандай иш олиб бориши керак? Тақризи ишни баҳолашда қандай мезонларга таянади? Буларнинг барчаси методик кўрсатмада акс этилган ва у олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан барча олий ўқув юртларида фойдаланишига тавсия этилди.

Йилдан-йилга магистратура мутахассисликларининг кўпайиб боришини ҳаётнинг ўзи тақозо этилди. Агар 1999 йилда 43 та мутахассисликка қабул бўлган бўлса, 2000 йилда улар сони 72 тага етди. Бу ўйлар эса 79 та мутахассисликка магистрантлар қабул қилинди.

Физика мутахассислиги бўйича мавжуд маъруза матнларида ташқари, кейинги йилларда 3 та ўқув қўлланмаси яратишга муваффақ бўлинди. Профессор С.Власов, доцент Д.Назировларнинг "Электрон асбоблар", А.Мирзаев, М.Мириноятовларнинг "Лазер физика-

си", С.Власов ва бошқаларнинг "Микроэлектроника асослари" деб номланган қўлланмалари физика фанининг бугунги долзарб мавзуларини очиб берганлиги билан қимматлиги. Шунингдек, химия мутахассислиги бўйича яратилган 15 босма табоқли "Полимерлар кимёсиган практикум" дарслиги 1500 нусхага нашр этилди. Профессор У.Мусаевнинг кўп ишлар изланишлари маҳсулли сифатига юзага келган бу дарсликдан кимё мутахассислиги бўйича таълим олаётган магистрантлар анча бой манба сифатига фойдаланишилари мумкин.

"Органик бирикмаларнинг тузилиши ва реакцион қобилияти" ўқув қўлланмаси ҳам бўлғуси кимё гарларга таълим жараёнига кўл келаётпич.

География, фалсафа, тарих мутахассисликлари бўйича яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалари ижтимоий-туманинг соҳада таълим олаётган талабалар билан даржасини оширишга ўзига хос вазифани ўтайди. Чоп қилинган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг тиражи бўютмалар асосига белгиланмоқда. Бунда дарсликлар эҳтиёжга кўра, 500 таган 2000 нусхагача, қўлланмалар эса 300 таган 1000 нусхагача чоп қилинайти. Ҳозир нашрга топширилган ўқув қўлланмалари 10 та ва дарсликлардан яна 4 таси ўйлар

## ДАРСЛИК ВА ҚЎЛЛАНМАЛАР – ТАЪЛИМ УЧУН

### Tahlil

охирига қадар чоп этилиб, ўз эгаларига тегиши режалаштирилган. 2002 йилда эса 18 та дарслик ва 123 та ўқув қўлланмасини тайёрлаб, магистрантлар қўлига етиб боришини таъминлашимиз керак.

Шуни алоҳига таъкидлашкеракки, магистратура таълимида дарслик ва ўқув қўлланмаларидан ташқари, рефератив журнallар, илмий-адабий манбалар, замонавий технологияларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Үқитишнинг бундай манбаларига бой бўлган ТДИУ, ТДШИ, ЎзМУ, ТДТУлари айрим олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатишга муваффақ бўлган. Жумладан, университетимизда ҳозирги вақтда ҚДУдан 16 магистрант келиб таҳсил олаётпич. НамДУ ва БухДУдан келиб, магистрантларнинг бизда давом этиштаган талабалар 7 нафар.

Сур эмаски, ҳали вилоят марказларидаги олий ўқув юртларида магистратура таълимини ўйла қўйишга жигдий муаммолар бор. Ҳар бир олий ўқув юрти ўз ички имконияти ва эҳтиёжини чамалаб чиқиши, шунга яратиш хусусига бош қотириши керак. Бундан ташқари, электрон ўқув қўлланмалари магистратура таълимида ҳам катта самара, тежакорлик келтиришини танолишимиз лозим.

**Хожиакбар ДОЛИЕВ,  
ЎзМУ магистратура маркази директори**

лар ҳам талайгина. Уларнинг имкон қадар тезроқ талабалар қўлига етиб боришини таъминлашимиз керак. Магистратура таълими юзасидан дарсликлар яратиш ўзига хос муракабликларга эга эканини ҳисобга олсан, ҳозир бу соҳада кўпроқ изланишлар кетаёттанини тушунамиз. Тажрибали олимлар институт билан шартнома тузган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Жумладан, магистратура таълими учун Петрова "Региональные аспекты международных отношений", профессор К.Содиков "Туркский тилларнинг тарихий фонетикаси", профессор Н.Комилов "Тасаввух" фанларида шартнома асосида дарсликлар ёзмоқдалар. Бу ишга институт профессор-ўқитувчилари билан бир қаторда, бошқа иммий марказлардаги кўзга кўринган олимлар ҳам жалб қилинган.

Айрим йўналишларда тегишли ихтиносликлар бўйича мос келадиган манбалар давлат тилида яратилмагани сабабли вақтинча рус, инглиз ва бошқа хорижий тилларда нашр этилган манбалардан фойдаланиш ўйла қўйилган. Жумладан, "Асосий шарқ тили долзарб муаммолари" фанидан Москвада чоп этилган қатор иммий асарлардан фойдаланилаётпич.

Магистратурада тўпланган тажрибалининг янада такомиллаштириш ва таълим мазмунини бойитиши орқали шубҳасиз, иккинчи босқичда магистрати дипломини оладиган ёшларнинг билим даражаси анча мукаммал ва тўлақонли бўлади.

**Алимулла ҲАБИБУЛЛАЕВ,  
Тошкент Давлат шарқшунослик институти магистратура бўлими декани мувонини**

## АҲБОРДНИ ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛАСИЗ?

Инсонни ўраб олган мухит хилма-хил аҳборотларга тўла. У ўз дунёкашига кўра ана шу аҳборотларни қабул килиб олади. Албатта, қабул килиб олиш жараёнида ҳар бир фуқаронинг ўзи яшаётган давлат сиёсатини тўғри англаб этиши муҳимдир.

АҚШдаги террористик харакатлар оқибатида Афғонистонда рўй берётган ҳодисалардан барчамиз боҳармиз. Шундай пайтда Афғонистон билан чегарадош Ўзбекистон ҳақидаги информациян оқимларнинг кўпайиши ҳам табиий ҳол. Дунё оммавий аҳборот воситалари орқали тарқатилаётган хабар ва шархларни қандай бўлса шундайлигича қабул килиб олиш бизнинг табиатимизга зид бўлиши керак.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бўлиб ўтган анжуман худди шу мавзуга багишиланганиги билан аҳамиятидир. "Информацион хуружлар ва уларга қарши кураш усулалири" мавзусидаги бу анжуман республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилишининг боиси бор. Кенгаш қошида таникли сиёсатчилар, кенг фикри олимлар, етук давлат арбоблари бор ва улар Ўзбекистоннинг ҳозирги вақтда дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, обрў-эътибо-

### Bugunning gapi

рини тўғри талқин қилиб бера оладилар. Талабалар оммаси эса худди шундай нотиқларнинг маъруzasидан етарлар озука олишади.

Анжуманда Президент Девони етакчи маслаҳатчиси Насрииддин Муҳаммадиев, "Оила" иммий-амалий маркази директори Васила Каримова, Миллий мафкура иммий-тарғибот маркази директори Муҳаммад Куронов ва бошқалар сўзга чиқишиб, информацион оқимлар қанчалик кўп ва хилма-хил бўлмасин, уларнинг ҳамкорликда қабул қилавермаслик, васвасага тушмаслик, омма орасида юрганда, Ўзбекистон хукумати олиб бораётган ички ва ташки сиёсатини тўғри тушунира билish ҳақида гапирдилар.

Республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши масъул котиби Аслиддин Болиев, олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Рустам Қосимовлар ҳам анжуманда маъруза қилишар экан, Президент И.Каримов берган Баёнотда билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳар бир ўзбекистонлик фуқаронинг, хусусан, ёшларнинг дилига жо бўлиши кераклигини алоҳидилар.

Ўзбекистон – тинчлик, тарқиёт учун курашайётган давлат. Бу ҳар биримиз англашимиз керак бўлган ҳақиқатдир.

МУХБИРИМИЗ



Estoniyada eng ko'p o'qiladigan klassik shoirlardan bo'lmish Yuxan Liyv 1864 yilda Chud ko'li qirg'og'idagi Lifyandiya guberniyasida ijrarachi kambag'al dehqon oilasida tug'ildi. U paytlarda hamma dehqonlarning hayoti og'ir edi, ammo serfarzand Liyvlar oilasi ayniqsa qashshoqdan-qashshoq hayot kechirardi.

Uyimizning shiplari qurum,  
Tutun bosgan, dog', ola-bula,  
Qorakuya, o'rgumchak ini,  
Tezgizak va chirildoq to'la.


Bu - she'riy tasvir emas, achchiq haqiqat edi.  
Shunday bo'lishiga qaramay, shoirning ota-onasi unga uncha-muncha ma'lumot berishga harakat qilishdi. Oila a'zolaridan biri, akasi Yakob Liyv ta'lim-tarbiya va adabiyot sohasida shuhrat qozonib, atoqli shoir bo'lgandi, yosh Yuxan undan o'nak olib, adabiyot yo'liga kirdi.

Yuxan bolaligidan boshlab ko'p kasal bo'lgani tufayli to'la ma'lumot ololmadi, lekin kasalligida ham tinimsiz

qo'lyozmalarini yoqib yubordi.

Shunda uni majburlab kasalxonaga yotqizdilar. Kasali tuzalavermagach, u kasalxonadan chiqib ketdi va olis-olis qishloqlarda, qarindoshlari yo tanishlarining uylarida dom-daraksiz yashadi. Do'stlari uni vafot etgan, deb o'yaldilar. Ammo u hali ham kasal holicha ijod qilishda davom etayotgan edi. O'zining ichki monologlarini, ruhiy kashfiyotlarini she'rga solayotgan edi. Kasallik yigirma yil davom etdi va niyoyat uni 1913 yilda o'lim qa'riga qulatdi. Afsuski, uning she'riy ijodi o'z vaqtida dunyo yuzini ko'rmadi. Faqat uning o'limidan keyingina she'rlarini to'plab nashr etishga kirishildi va shunda qanday ulug' shoir yo'qotilgani yaqqol ko'zga tashlandi.

Yuxan Liyv eng og'ir sharoitlarda tabiatning yorug' va yorqin tasvirlarini qanday yaratganiga aql bovar qilmasdi. Kichik bir ariqda oqib ketgan kemachaning katta suvlarga yetib borgani, go'zal oqqushlar, eng so'nggi kuz gullari, ostonada ko'ylakchan ona quyoshni kutib turgan bolakay, "kelayotirman" degan sadolar bilan muzlarni eritib kirkgan bahor to'g'risida she'rlar



# XALQ DARDLARINING KUYCHISI

kitob o'qib, o'z davrining eng o'qimishli kishisi bo'la oldi. Yigirma yoshidan jurnalistikva she'riy ijod bilan shug'ullandi, o'z nonini o'zi topdi.

U davrlarda Estoniyaning ijtimoiy hayotida noumid bir turg'unlik hukm surar, siyosiy zulm avj olgan, qimmatchilik kundan-kun oshib, xalqning tinkasi qurigan edi. Bularning bari Yuxan Liyv ijodida o'z aksini topdi. U o'zining "O'n hikoya" nomli ilk to'plamidayoq (1893) xalq dardlarining kuychisi ekanini namoyon etdi. Birin ketin bosilib chiqqan "Kakimae kakkusi" (1893), "Dudparda" (1894), "Jodugarning qizi" (1895) kabi qissalarida talon-toroj qilinayotgan qishloqlarning og'ir

hayotini qalamga oldi, u yerlarda yashayotgan odamlarning yorqin va unutilmas timsollarini yaratdi. 1909-1910 yillarda Yuxan Liyv "Hayot ichkarisida" deb nomlangan miniyaturlarini e'lon qildi va bu kichik asarlari bilan ham el-yurt hayotining ayanchli tomonlarini mahorat bilan tasvirladi.

Yuxan Liyv o'zining 49 yillik umri davomida faqat birgina she'riy to'plamini chop qildirdi ("She'rlar", 1909). Holbuki, uning ijodida she'riyat juda katta va muhim o'rinni egallardi. U kasal bo'lishiga qaramay, ko'p she'r yozar va she'r ustida qattiq ishlardi. 30 yoshida kasali kuchayib ketib, bir daf'a alam bilan barcha

bitilgani mo''jizaga o'xshardi. Bir tarafda teran vatanparvarlik lirikasi, ikkinchi tarafda go'zal tabiat manzaralari, yana bir yoqda falsafiy umumlashmalar - bularning hammasi odamlarning qalbini boyitar va eng muhim, zamon changlari ostida qolib, yo'q bo'lib ketmaydigan she'rlar edi. Bu she'rlarning yana bir xususiyati ular niyoyatda xalqchil edi va bolalarga ham, kattalarga ham birday yoqimli edi. Eston xalq shoirasi Debora Vaarandining dalolat berishicha, Yuxan Liyvning ijodi Estoniyada bolalikdan tortib to umrining oxirigacha odamlarga hamroh bo'lib boradi va Estoniya madaniy qadriyatlari ichida oltin fond hisoblanadi.

Miraziz A'ZAM

## YUXAN LIYV

### QOR UCHQUNI

**Qor uchqunlab qo'nar**  
**Ohista, asta.**  
**Parqu kabi inar**  
**Ohista, asta.**



**O'ralar archaga**  
**Ohista, asta.**  
**Urilar darchaga**  
**Ohista, asta.**

**Siqiladi ko'krak...**  
**Jim bo'ling, jiming.**  
**Tinchlanaqol, yurak...**  
**Jim bo'ling, jiming!**

### TO'LQINLAR

Quturar va quvnar to'lqinlar,  
Ko'rfaz ichra o'ynar to'lqinlar,  
Yumalashar baliqchalarday,  
Gurpaklashar ayiqchalarday,  
Urishar qoyatoshlarga  
Guylab, ko'pik sochib boshlarga.  
Qarab ko'pik qo'ng'an yeriga  
Bir to'lqin der boshqa biriga:  
- Bo'ronlarning shiddati uchun  
Shunday sovg'a qaytardik bu kun.

### HAMISHA - BAHOR

**Sariq boshti hamishabahor,**  
**Gullar ichra go'zal o'rning bor!**  
**G'unchang o'xshar xuddi oltunga,**  
**Lovullashing o'xshaydi kunga.**  
**Senday guldan gulasta to'qish**  
**Uyat emas, madhga loyiq ish.**

### ERTALAB

**O't-o'lan**  
**Ho'llangan**  
**Shudringlar bilan.**  
**Dehqonlar ketar ish joyiga,**

Dalalar o'xbaydi shoyiga,  
Podalar targar soy bo'yiga.  
Qo'zilar bo'ynida qo'ng'iroq,  
Jiringlar daraxtzor, hamma yoq...  
Jiringlar battoki o'rmonlar,  
Sovuq soy ustida tumanlar -  
Ko'rinnas arg'uvon, emanlar.

Qayoqqa borsam-da ertalab,  
Ko'nglimni ilitar erkabal  
Cho'ponlar qo'lida burg'usi  
Taratgan muloyim "du-du"si.  
Qarshimda sho'x daryo ko'pirar,  
Katta yo'l tasmaday bilpirar.  
Yo'l, uylar oralab o'tganday,  
Do'ngliklar oralab o'tar soy,  
O'rmonni sug'orib ketar soy.

Tegirmondan asta shaldirab  
Arava kelmoqda bir yupun.  
Tegirmon yonida yo'l qarab  
Tegirmonchi turar, ust-boshi un.

### QIYOM CHOG'I

Har yoqqa nur to'kdi yozning quyoshi,  
Atirgul lop etib olovday yondi.  
Don ekinlarining egildi boshi,  
Issiqdan namiqib holsiz to'lg'ondi.  
Kunlarning qizishi bunday shaxt bilan  
Keltirmas albatta falokat, mamot.  
Aslida berilar bunday taft bilan  
Yerga, tabiatga chinakam hayot.

### OQSHOM OLDI

Tippa-tiniq olslar hamon,  
Qoraymoqda devorday o'mron.  
Ketayotir quyoshning kuchi,  
Oltinlanar qarag'ay uchi.

### OQSHOM

**Quyosh buyuk ish qildi bu kun,**  
**Yerni gulzor ayladi butun.**  
**To'lqinlarga berkingach, ammo**  
**Sukunatga aylandi navo.**  
**Tindi olam so'nggi sadoday,**  
**Sano aytib tingan duoday.**

### TO'RG'AY

To'rg'ay parvoz qildi ko'kka churillab  
Erigan qorlarning suvlari uzra.  
Sovqotib ketgandi titrab, zirillab  
Erigan qorlarning suvlari uzra.

Shu kichik qushchadan taralgan sado  
Erigan qorlarning suvlari uzra  
Shodlik ularshardi yangrab beado  
Erigan qorlarning suvlari uzra.

Biz ham, odamlar ham, o'chib uyqular  
Ba'zan yuksaklarga qilamiz parvoz,  
Ushalmasa hamki umid-orzular,  
Ochilmasa hamki baxtimiz bir oz.

Mayli, ko'p bo'lsa ham qayg'u ila g'am,  
Butunlaysovqotib yursak-da miskin,  
Axir qo'shiqlardan har qanday odam  
Ozgina bo'lsa-da topar-ku taskin.

### YAKSHANBA

#### TONGI

Mana, tong ham otdi  
Jimjit hamma yoq.  
Yashillanar kuzgi  
Quyoshda o'tloq.

Tepa, qiyalikda  
Bug'doy shaldirar.  
O'rim chog'i keldi,  
Chiqsin chalg'ilalar.

Boshqolqar quyoshda  
To'ldi don bilan.  
Dehqonning uyi ham  
To'lsin non bilan.

Hukm surar tongda  
Tinchlik, yorug'lik.  
Quyosh sochar elga  
Quvonch, ilig'lik.



### ABADIY QONUN

Rumoliklar,  
Yunonlar uchun,  
Gallar uchun,  
Saksonlar uchun -  
Millatlarning har turi uchun  
Har vaqt bitta qonun hukmon -  
Achchiq,  
Buyuk,  
Shafqatsiz qonun:  
Mayli, zo'rlar qudratli bo'lsin,  
Ammo ular  
Bordiyu agar  
Kuchsizlarni ezsalar uzoq,  
Qarshilikka qo'ysalar tuzoq,  
O'zlarini xudo bilsalar -  
Halokat boshlangay muqarrar.

### TIMSOHLAR

Hech yetib bo'larmi ammo hurlikka  
Quruq ro'za, toat-ibodat bilan?  
Bir kun hujum qilib timsohga tikka,  
Ozod bo'libdilar matonat bilan.

So'ng kulib yurdilar ko'targach isyon,  
Olamni titratgan qiy-chuvularidan,  
Ketgan ilohlardan kuldilar shodon,  
Kuldilar yuz yillik qo'rquvlardan.

# ХЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ БИЗДА БҰЛСАДА ЭМДЕ

Хар куни "Окшом эртаклари" кўрсатуви орқали хона-денимизга кириб келадиган инсонларнинг бирни "Карло ота"дир. У киши эртак қаҳрамони бўлган Буратино билан бирга жажжи болажонларга эртак айтиб беради, турли-туман маслаҳатлар билан кичинойларни сеҳрлаб ола-ди.

Бу рол ижрочиси республика қўғирчоқ театри актёри Фатулла Хўжаевдир. Биз Фатхулла ака билан қўғирчоқ театрининг ўтиши ва бугу-ни ҳақида сұхбатлашдик.

Болалигидан санъаткор бўлиши жуда қизиққанман. Мактабда драма тўғрагининг фаол, энг тиришқоқ аъзоси эдим. 1978 йилда Тошкент театр ва рассомчилик институти (хозирги Маннон Уйғур номидаги Санъат институти)нинг кино ва драма актёrlигига бўлумига хужжатларимни топшириб, ижодий имтиҳонларнинг иккинчи турига етганимда, имтиҳон қабул қилаётган домлалар менга, "сенда қўғирчоқ театри актёrlигига қобилият бор экан, яхшиси қўғирчоқ театри актёри бўлиб кўя кол", дейишди. Мен бундан хафа бўлмадим. Ўқиш бошланниб кетди. 1-2-курсларда қўғирчоқ санъатининг қандай санъат эканлиги, унинг ўзига яраша сир-синаотлари, қийинчиликларини, мураккабликларини ўргандим. Ўшанда мен ҳаётимни қандай санъат турига бағишлишмни тушундим ва ҳаракат кила бошладим. Институтнинг ўзидаёқ 5 та спек-таклда рол ўйнадим. Талабалик ниҳоясига етгач, мени мана шу даргоҳда дарс беришга таклиф қилиши. Ўша пайтда гурухимизни Бухоро вилоятiga "Кўғирчоқ театри" ташкил қилиш учун юборишадётган эди. Мен ҳам Бухорога кетдим ва у ерда иккى йил ишладим.

**— Республика қўғирчоқ теа-трида қаҷондан бошлаб фа-олият қўрсатяпсиз?**

— 1989 йилдан. Бухорода анча йиллар ишламиш мумкин эди. Лекин оиласиб сабабларга кўра Тошкентга қайтишимга түгри келди. Ўша пайтдаги театрнинг бош режиссёри И. Якубов "институтда ҳам дарс бера-верасан, бу ерда ҳам ишлай-верасан", деб ушбу даргоҳга таклиф килди. 20 йилдан бўён ҳаётим қўғирчоқ театри билан боғлиқ.

— Кўпчилик қўғирчоқ теат-

ри деганда, факат кўлга кийиб олиб ўйналадиган чол-кампирни, қуён-бўрини тушунади. Ҳаттоқи ўзим ҳам қўғирчоқ театрида қандай усулларда, қандай қўғирчоқлар ўйнатилишини билмайман. Қўғирчоқ ўйнатишнинг номи ва шаки борми?

— Негадир бизда қўғирчоқ театри унча оммалашмаган. Лекин шуни алоҳида қайд этиб ўтиши истардимки, тарихда бу санъатни бизнинг ота-бо-боловимиз ривожлантирган-

рларида планшет ва оддий кўлга кийиб ўйнатиладиган қўғирчоқлар ёрдамида спек-такллар намойиш этиши кенг та-ралган. Ип ёрдамида ўйнатиладиган манаретка қўғирчоқлар фақатгина бизнинг театрда мавжуд. У ҳам бўлса битта спектаклда, "Чодирхайёл" да кич-кинагина образ яратади. Рес-публика манаретка қўғирчоқларни ясадиган устарларнинг йўклиги, қўғирчоқ санъатининг бу тури ривожига тўсқинлик қилмоқда. Мен ўзим 1993 йилда Санкт-Петербург-

шу театр ташкил топган, ривожланган саноқлигини давлат бор. Бу Ҳиндистон, Хитой, Япония, Италия, Англия, Франция, Россия. Мана шу давлатлар қато-рига Ўзбекистон ҳам киради. Мен буни тарих китобларида ўқимаганман, институтда ҳам ҳеч ким бизга айтмаган. Яқинда Москвадаги Қўғирчоқ театрининг музейига борганимда қўғирчоқ театрининг ривожла-нишига сабаб бўлган ҳудуд сифатида Ўзбекистон, яни Ўрта Осиё ҳам қайд этилган маълу-матларга кўзим тушди.

Қўғирчоқ театрининг Евро-пага тарқалишига Италия сабабчи бўлган. Бу ўша қадими Рим, Миср, Юнонистонда маданият, санъат жуда кенг тарқалиб, гуркираган даврларга тўғри келади. Ҳудди шу даврларда Шарқнинг ҳинд-хитой ҳудудида ҳам бу санъат тури равнақ топиб, шаклланиб борган. Қадимда қўғирчоқ теа-трини динга боғлашган. Одамлар қўғирчоқлардан ўдаги инс-жинсларни ҳайдаш, ка-салликларни қувиш каби мақ-садларда фойдаланишган. Ба-бу қўғирчоқларни дин пешво-си ўйнатган. Қўғирчоқ театрининг ўтиши ҳақида гапиради-ган бўлсак соатлар етмайди. Бу алоҳида мавзу бўла қолсин.

— Бугунги кунда қандай асарлар устида ишламоқда-сиз?

— Яқинда Туркияда бўлиб ўтадиган "Корагуз" фестивалига тайёргарлик қўяпмиз. Ўтган йилларда ҳам биз буду фестивалда катнашиб, совриндорлар сафидан жой олишга муваффак бўлганимиз. "Корагуз" турк халқининг миллӣ қаҳрамони, ҳудди бизнинг Качал полвон-дек. Дунёнинг кўплаб мамла-катларидан келган қўғирчоқ театри актёrlари бир неча кун ўша ерда бўлиб фикр алмаша-дилар, турли спектаклларни томоша қиласидилар, бир-биридан анча нарса ўрганиша-ди. У ерда биз "Буюк ипак йўлидаги карvonсарой" деб намланган спектаклни намо-ниш этамиз.

— Ўйлайманки, кўпчилик сұхбатимиздан сўнг қўғир-чоқ театри ҳақида оз бўлса-да маълумотга эга бўлди. Мазмунли сұхбатингиз учун раҳмат.

Шарифа МУРОДЖОН кизи сұхбатлашиди.



лар. Қўғирчоқ театри санъати Ўзбекистонда драма ёки опера каби четдан кириб келмаган. Тарихда бу театрнинг "чодирхайёл" деган тури бўлган. Бу манаретка. Бунда актёrlар ип ёрдамида қўғирчоқларни ўйнатишган. Иккичи бир тури "чодиржамол". Оддий қўғирчоқларни қўлга кийиб ўйнатади. Учинчи бир тури эса "фонусхаёл". Бунда актёrlар соялар ёрдамида то-маша кўрсатишиади.

— Актёrlар қўғирчоқни унинг орқасида туриб ҳам ўйнатишади...

— Бу планшет қўғирчоқлар. Бугунги кунда республика-мизнинг ҳамма қўғирчоқ теат-

да манаретка қўғирчоқ ясашни, уни ўйнатишни 2 ой давоми-да ўрганиб келганим. 1996 йилда Америка Кўшма Штатла-рида бўлиб, манаретка қўғирчоқларни қандай ясашни яна-да пухтарок ўргандим. Амери-калик дўстимнинг шахсий қўғирчоқ театри ва манаретка қўғирчоқлар ясадиган каттаги-на устахонаси бор. Ўша ерда мен кўп нарсаларни ўрганганим. Ҳатто дўстим менга манаретка қўғирчоқлар ясаш ҳақида ёзилган китоблар ҳам совға қилган.

— Қўғирчоқ театри қаер-да ва қаҷон пайдо бўлган?

— Биласизми, буни аник айтиб бўлмайди. Лекин мана

## ДИЛ ДУНЁСИДА ЯШАЁТГАН ГЎЗАЛЛИК

рида намойиш этилаётган асарларнинг кўпгина қисми олий табака вакилларига мулжалланган бўлади.

Мен бир нарсани айтиб ўтишини хо-лардим. Бугунги кунда театримиз бир қанча миллий руҳдаги, бизнинг қадимиги урф-одатларимиз, анъаналаримизни акс этирувчи спектаклларни саҳнага олиб чиқди. Буларнинг энг асосийлари деб "Насриддиннинг саргузашлари", "Тўмарис", "Зебунисо" асарларини айтиш мум-кин.

Нозима 1991 йилда ўз иш тажрибаси-

ни ошириш учун Швецария, Австрия, Лихтенштейнда бўлди. 1992 йилда эса нафакат республикамизда, балки Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган опера ва балет театрига ишга келди. У хореография билим юртида сабоқ берган устозлари мархума Ирина Александрова, халқ артисти Валентина Праскунинадан бир умр миннатдор бўлиб яшайди. Чунки Нозимадаги хатти-ҳаракатни, тиришқоқликни

мехнатсеварлиқда, санъатга бўлган меҳру муҳаббатда деб билган устозлар шогирдларида бор билимларини бера олишиди.

Н.Хасанова биринчи бўлиб катта саҳнага "Севги тумори" спектаклида Чундри образини яратиб чиқди. Бу миллий руҳдаги асар бўлиб, унда Нозима ўз қаҳрамонининг нозик ҳис-туйғуларини, халқи изтиборларини, севги сурурларини ишончли тарзда кўрсатиб бера олди.

Шундан сўнг "Насриддиннинг саргузашлари" да Зумрад, "Оққуш кўли" да

Ўзбекистон Бадий ака-демиясининг кўргазмалар залида 2001 йилда давлати-мизнинг юксак мукофотла-рига сазовор бўлган ижод-корларнинг "Таъзим" деб намланган кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Бу кўргазма 22 октябрдан 3 ноябринча давом этади. Унда Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзо-лари, «Халқ рассоми» унво-ни билан тақдирланган Ик-ром Бахромов, Низомиддин Холиқов, Шомаҳмуд Муҳам-маджонов ва бошқа бир қатор ижодкорларнинг сара-асарлари намойиш этилмоқда.

Бундан ташқари бир ва-тнинг ўзида Бадий ака-демияда Сурхон воҳаси ваки-ли Тўра Шомирзаев асарла-рининг намойишни ҳам таш-

## САРА АСАРЛАР КЎРГАЗМАСИ

кил қилинган.

Рассом, энг аввало, ин-сонлар тақдирли ҳақида кўп хаёл сурғани, табиат гўзал-лигидан борлиқнинг ранг-баранглигидан ҳайратга тушганлигини ўз ижодида яққол акс эттирган. Айнан мана шу туйғулар уни ранг-тасвир оламига етаклаб кирди. Бу ҳақда рассомнинг ўзи шундай дейди:

— Мени фақат табиат эмас, балки инсонлар ҳаёти, уларнинг қайғуси ва шодли-ги қизиқтиради. Мен ўз асарларимда атрофимизни ўраб турган мұхитни акс эт-тиришга итиламан.

Ҳақиқатан ҳам бу асар-лар мұхлисларни ўзга бир оламга етаклайди. Яхшиси, рассом ижодидан баҳра-манд бўлай дессангиз, Бади-й академияга бир кириб ўтинг.

Шерзод АҲМАТОВ

Оддити ва Одилия, "Үйқудаги гўзал"да Фен Сирени, "Олифта"да Испания қўғир-чоғи каби бир қатор турли-туман, ҳар хил характерга эга бўлган образлар яратди. Мен юқорида 26 ёшли қызнинг кўплаб роллар ижро этганини, бу образлар бир-биридан катта фарқ қилишини айтиб ўтдим. Аммо фақатгина битта ўзбек-ча исм учрятдим, холос.

Нозимадан опера ва санъатнинг миллийлаштириш ва оммалаштириш мұм-кинин, деб қайта сўрадим.

— Балки мумкиндири, мен ҳам ўзбек миллий қаҳрамонлари образларини ижро этгим келади. Балет рақсларимга аввалига умр йўлдошим Баҳодир Хаса-нов ҳам қизикмайгина юрдилар. Бир-икки спектаклларимга тушгач, опера ва балетга бўлган қизиқшлари ортида ва фикрлари ўзгарди. Ҳозир опера ва балетни яхшигина тушунадилар.

2001 йилда ўш балет устаси Нозима Хасанова учун энг кувончилий йил бўлди. У ўш бўлишига қарамай Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига лойик кўрилди.

— Нозима, бугунги кунда қандай роллар устида ишлайпсиз?

— "Тўмарис" спектаклида Тўмарис об-разини яратяпман. Тарихий шахс бўлган бу аёлнинг ўз Ватани озодлиги, юрти, халқи баҳтини ўйлаб қилган барча эзгу амалларини балет рақси орқали очиб бермоқчиман...

Маъмура МАДРАХИМОВА

ЕР  
703ИДА

Нью-Йоркда содир бўлган кўнгилсиз воқеа 7 нафар кишининг ҳаётига зомин бўлди. Манхеттен туманидаги 20 қаватли бинонинг кулаб тушиши кутилмаган ҳол бўлди. Ҳозирда кутқарув ишлари давом этаётган бўлиб, кузатувчилар мазкур фожеани Америкадаги 11 сентябрь воқеалари билан боғламоқда.

\*\*\*

Мутасил давом этаётган ёнгарчиликлардан Индонезия аҳолиси жабр чекмоқда. Табиий оғат туфайли бошпанасиз қолган ўн минглаб одамларга ҳукумат ёрдам кўрсатаётган эса-да, бу етарли бўлмаяпти. Гидрометеорологларнинг холосалари гўра, ёмғири кунлар ҳали узок давом этиши мумкин.

Филиппинда "Абу Сайёф" экстремистик гурӯҳи вакиларидан ўн саккиз нафари ҳукумат ҳарбийлари томонидан ўлдирилди. Ҳозирда ўн кишини гаровда ушлаб турган (улар орасида 2 нафар АҚШ фуқароси ҳам бор) жангариларга қарши кенг миқёсда ҳарбий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Чилидаги давлат тўнтарishi пайтида бедарак йўқолган беш нафар француз фуқароси иши билан шугулланётган франциялик судья Роде ле Луар собиқ диктатор Аугусто Пиночетнинг ўн беш нафар сафдоши устидан жиной иш кўзғаган.

## ЁШЛАРИМIZДА ИМКОН БОР

Куала-Лампур шахрида ўсмирлар (17 ёш) ва ёшлар (20 ёшгача) ўртасидаги футбол бўйича Осиё чемпионати-2002 баҳслари гурӯҳларидаги рақиблари билан танишинг.

### 17 ёшлилар Чемпионат мезбони – БАА

- 1-гурух: Баҳрайн, Кувайт, Фаластин, Яман.
- 2-гурух: Саудия Арабистони, Ливан, Сурия.
- 3-гурух: Катар, Ирок, Иордания.
- 4-гурух: Хиндистон, Мальдив ороллари, Бутан.
- 5-гурух: ЎЗБЕКИСТОН, Шри-Ланка, Қирғизистон.
- 6-гурух: Эрон, Туркманистон, Тоҷикистон.
- 7-гурух: Муанмар, Съянган, Сингапур.
- 8-гурух: Жанубий Корея, Лаос, Камбоджа, Филиппин.
- 9-гурух: Хитой, КХДР, Гуам, Мўғилистон.
- 10-гурух: Вьетнам, Индонезия, Хитой Тайпейи.
- 11-гурух: Япония, Малайзия, Бруней, Макао.

### 20 ёшлилар Чемпионат мезбони – Катар

- 1-гурух: Эрон, Уммон, Сурия, Яман.
- 2-гурух: Ирок, БАА, Ливан, Фаластин.
- 3-гурух: Кувайт, Саудия Арабистони, Баҳрайн, Иордания.
- 4-гурух: Хиндистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Бутан.
- 5-гурух: Покистон, Бангладеш, Мальдив ороллари, Шри-Ланка.
- 6-гурух: ЎЗБЕКИСТОН, Туркманистон, Непал.
- 7-гурух: Япония, Лаос, Хитой Тайпейи, Мўғилистон.
- 8-гурух: Жанубий Корея, Бруней, КХДР, Гуам.
- 9-гурух: Таиланд, Съянган, Индонезия, Филиппин.
- 10-гурух: Вьетнам, Малайзия, Камбоджа, Макао.
- 11-гурух: Хитой, Сингапур, Муанмар.

### БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Озарбайжон пойтахти Боку шахрида бокс бўйича ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистондан 7 нафар 15-16 ёшли боксчиларимиз иштирок этдилар. Шуниси қувончилики, мазкур боксчиларимизнинг 5 нафари ватанларига мукофотлар билан қайтишди. Шулардан иккита олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалларидир.

### ФУТБОЛ ДАРСИ

Украина умумтаълим мактабларида янги ўкув йилидан бошлаб алоҳида дарс сифатида футбол дарслари ҳам киритилди. Ушбу дарслар мажбурий тарзда киритилган бўлиб, Украина таълим вазирлиги ва бу қоиданинг ташабускори фут bolt Федерацияси президенти Григорий Суркиснинг таъкидлашларича, ушбу дарслар ўкувчиларни кўча боласига айланни кетишдан саклашда мухим аҳамиятга эга экан.



### АҚШДАН ПЕКИНГА КЎЧИРИЛГАН ЖАНГ

Профессионал боксда ўзиға хос шов-шувли воқеаларга сабаб бўлаётган Холифилд-Руиз жангининг ўтказилиши АҚШдан Хитойнинг Пекин шахрига кўчирилди. Шуни айтиш жоизки, Донг Кинг бундан бир оз аввалроқ муросасиз жангнинг АҚШда ўтказилишини ёклаган эди. Бироқ бунга АҚШ ҳукуматининг терроризм билан боғлиқ ҳарбий ҳаракатлари тўсик бўлди.


### ДУНЕНИНГ БИРИНЧИ ФУТБОЛЧИСИ

Мексикада ўтказилган "Жоннинг энг зўр футбольчиси" номли сўровномада яна бир бор бразилиялик Пеле дунёning афсонавий футбольчиси деб топилди. 61 ёшли уч карра жаҳон чемпиони шу муносабат билан Мексикада бўлиб, ташкил этилганлигининг 100 йиллигидан бирини юбилей билан кутлади ва Пагуни шахридаги антика Футбол университетининг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

Яна бир маълумотда, яъни "Интерфакс" агентлигининг хабарига қараганда, кеча Вашингтондаги Капитолий биноси яна ўз эшикларини очди.

Маълумки, ўтган ҳафта охирида Америка сенати ва вакиллар палатасига ҳам қуидирги касаллигини қўзгатувчи бактериялар кукуни бўлган хатларнинг юборилиши ушибу бинонинг баътинча ётилишига сабаб бўлганди.

Бундай касаллик бошқа мамлакатларда кузатилмаслиги учун унинг олдини олии мақсадиди чоралар кўрилмоқда. Масалан, Вьетнамда, Иерусаламда қуидирги касаллиги тарқалишининг олдини олиши учун почта алоқаси тизимида хавфсизлик чоралари куайтирилмоқда.



Узун туманидаги "Гулғунча" номли 15-мактабгача таълим муассасасида 5 та гурух, 4 та синфда жами 180 нафар болалар тарбияланади. Бу маскан 1983 йилда очилган бўлиб, ўша пайтдан бери тажрибали мутахассис Дилбар Омонова мудира бўлиб ишлаб келмоқда. Муассаса нафакат туманда, балки вилоятда ҳам энг намунали маскан ҳисобланади. Бу ерда бешта: тасвирий санъат, музика, меҳнат, шашка, жисмоний тарбия ва футбол тўғраклари болалар жалб килинган. Қатор йиллардан бери вилоят ҳамда Республика босқичида ўтазилаётган кўрик-танловларда "Гулғунча"да тарбиялананаётган болалар фаол қатнашиб келишмоқда.

Суратда: Болалар шашка ўйнашмоқда.

Бурён РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

### БИРИНЧИ УЧРАШУВДАН ОМАД

Шу кунларда тениссининг ёрқин юлдузлари Австралияниң Линц шахрига йигилганлиги ҳаммага маълум.


Линцида ҳалқаро миқёсда тенис турнири бўлиб ўтмоқда.

Бунинг қувончилини шундаки, мамлакатимиз шарафини ушибу нуғузли мусобакада химоя килаётган тениссимиз юлдизи Ирода Тўллагонова биринчи учрашувдаётгалибага эриди. Ўтган куни Ирода россиялик тенисчи Анастасия Мискина билан куч синашиб, иккиси сет натижасига кўра 6:2, 6:2 хисобида зафар кутиди. Эндилиқдан тениничимиз иккинчи босқич ич мусобакаларида ҳам қатнашади.

### АНЬАНАГА АЙЛАНГАН ТУРНИР

Марказий Осиё республикалари ногиронлари ўртасида спортнинг барча турлари бўйича ҳалқаро мусобакалар ўтказиши анъанага айланган. Куни кече Янгийўлда ногиронлар ўртасида олтичини маротаба шахмат ва шашка бўйича ҳалқаро турнир бўлиб ўтди. Баҳсларда ҳаморларимиздан ташқари Туркманистон, Козогистон терма жамоалари иштирок этишди.

## КРОССВОРД



**Энига:** 1. Энг кўп етишириладиган техника экини. 3. Дуккадошларга мансуб дон. 8. Куритилган мева ёки сабзавот хосили. 12. Кузда пишувчи хўл мева. 13. Сув йўли. 18. Хушхўр илдизмевали сабзавот экини. 21. Хосили хушбўй, мураббо тайёрланадиган жануб дарахти. 22. Ихтиёрий, ёрдам тариқасида амалга ошириладиган меҳнат.

**Бўйига:** 2. Хосил уюми. 3. Кузда машгулотлар бошланадиган билим даргоҳи. 4. Кузги ер хайдаш. 5. Энг қизғин, кузги мавсум. 6. Ток туни кўтариб турувчи поя ва бағазлардан иборат мослама. 8. Кузпишар, қишига сакланадиган қўён нави. 9. Халқ табобатида фойдаланиб келинган, кўп йилли шифобахш чўл гиёҳи. 10. Ўсимлик тупуни кўпайтириш усуспидан бири. 11. Кузда обхаво совишидан хосил бўлувчи мусафро томчи. 16. Қўён сайлида ўтказиладиган кўрик. 19. Кузда тузланадиган сабзавот тури.

**Диагоналлар бўйича:** 7. Кузда машгулотлар бошланадиган билим даргоҳи. 14. Хосилни йиғиб сошлида ишлатиладиган тўқима идиш. 15. Равношларга мансуб, меваси шифобахш бута ўсимлиги. 17. Саргайб тўкилувчи япроқ. 20. Зааркунанда ҳашоратларга кирон келтирувчи фойдалари парранда.

## МУАММОНОМА

Кўйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси кроссворддаги жавоб сўз тартибини, иккинчиси ҳарф тартибини англратади) мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммонами ҳал этинг. Улардан ибратли сўзларни ўқийсиз.  
3-2; 10-3; 1-4; 8-4; 12-2. 3-3; 18-2; 17-3.  
12-2; 8-4; 2-6; 11-7. 21-1; 21-2; 21-1; 1-2; 21-3; 8-2; 11-6; 21-2; 15-3; 2-4; 13-1; 5-1; 6-1; 19-2; 16-5; 22-2. 14-5; 8-6; 21-1; 9-1; 10-2; 3-4; 17-5; 16-2; 15-1; 11-7.  
7-4; 12-2; 14-1; 3-2; 2-6. 5-5; 21-2; 22-1; 16-5; 20-2; 15-6; 7-4; 11-7; 10-4; 13-1; 20-1; 9-1; 17-3.  
10-4; 12-2; 15-3; 19-5; 3-1; 6-1.

**Фозилжон ОРИПОВ** тузди.

Маънавий - маърифий фаолиятни юксак даражага кўтиришда китобхоналар ва китобнинг ўрни бекиёсdir. Миллий истиқпол ғоясини шакллантириш ҳамда уни ёшлар онгига сингдиришда китобхонанинг вазифаси ҳар қачонидан ҳам кўпайди.

Инсоният заковатининг буюк кашфиёти – китобнинг пайдо бўлиши қадимги даврларга бориб тақалади. Халқимиз тарихида мухим аҳамият касб этган эрамиздан аввали IV–V асрларда яратилган адабий ёдгорликлар, бундан 2700 йил мукаддам битилган китоб – “Авес-то”, VI–VII асрлар қатидан сўзловчи ўрхун-Энасий битикларидан то хозирги кунгача яратилган маънавий дурданаларини кўз олдимизга келтирадиган бўлсақ, қай даражада маънавий бойлиқка эга эканлигимиз янада яққолроқ намоён бўлади. Бу маънавиятимиз дурданалари ўз даврида тазики остига олинганига қарамай, зиёга ташна халқимиз томонидан асрдан асрга кўз қорачиғидек асрар келинди. Хўш, бугунги кунда инсонга коинот

сирларини ўргатган, табият ҳодисаларига муносабатни шакллантирган, дунё ҳақидаги тасаввурини кенгайтирган, умуман, ўзининг юксак хислати билан зиё улашувчи китоб ва китобхоналарга муносабат қандай ахволда?

Истиқпол муносабати билан шарқнинг бой анъаналари яна

ларга хизмат кўрсатиш маданиятни яхшиланяпти. Бир пайтнинг ўзида жаҳоннинг энг бой китобхонасидаги ноёб нусхалардан фойдаланиш имкониятлари яратилмоқда.

Бутун дунёга машхур ўзбек алломалари – Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Форобий, Бурхониддин Марғононий,

дир асарлар нашрига эътибор кучайтирилгани, бундай нашрларга давлат кўмаги жорий қилиниб, хориждан фаннинг турили соҳаларига оид илм дурданалари сотиб олинаётгани эътиборга молидир.

Ўзбек халқи қадимдан китобхондир. Ўтмишда бедилхонлик, навоийхонлик, машрабхонлик,

ларнинг бирида иштирок этдим. Россия чет эл адабиётлари китобхонаси директори ўринбосари Галина Кисловская, венгрязлик Петер Инкеи, Латвия халқ китобхонаси директори Андреслар билан мулокотда бўлар эканман, шунга амин бўлдимки, бугунги китобхонга халқ, миллат тарихининг очилмаган саҳифалари, хўкуқ, иқтисод, сиёsat ҳақидаги адабиёт зарур.

Китобхона – давлат ва халқ мулки. Унинг серфайзлиги, гавжумлиги нафакат китобхона ходимларига, балки барча жамоат ташкилотлари ҳаракати, кўмагига боғлиқ эканини ҳар бир фуқаро тушуниб этиши кепак.

**Малижон БОБОРАҲИМОВ,**  
Фарғона Давлат  
университети  
кутубхонаси директори,  
филология фанлари  
номзоди, доцент

## БУГУНГИ КУТУБХОНАЛАР

ўз қадр-қимматини топаётir. Китобхонликни жонлаштириш борасида хайрли ишлар қилинётir. Зоро, миллий истиқпол ғоясини тарғиб ва ташвиқ этишда китобхоналарчалик улкан аҳамиятга эга бўлган масканинг ўзи йўқ.

Китобхоналарнинг замонавий технологиялар билан таъминланётганлиги бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш манбаи бўлаётir. Компьютер технологиялари орқали китобхон-

ар-Рошидоний каби аждодларимиз асарлари асарлар ардоғида яна юртимизга қайтмоқда.

Ўзбекистонда миллий китобхона яратиш борасида бошланган саъй-харакатлар ҳар қандай юрт фуқаросида гурур уйғотади. Бу китобхонага муносабатни тубдан ўзгаририб юборади.

Китобхоналаримиз заҳирасининг ўзбек тилидаги адабиётлар билан тўлдириб борилаётгани, халқдан яшириб келинган ҳадишу шарифлар, “Хидоя” каби но-

хувайдохонниклар бўларди. Халқимиз қўлида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган арабий ёзувдаги кўлёзма ва тошбосма китоблар билан китобхона захирасини тўлдириш, илмий китобхоналар қошида маҳсус лабораториялар очиб, уларни халқка етказиши вақти келди. Китобхоналар шаҳар ва қишлоқларнинг кўркам, гавжум жойларида бунёд этилишига аҳамият бериш лозим.

Яқинда Тошкентдаги йиғин-

## Ma'rifat

ТАБСИС  
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:  
Ҳалим САЙДОВ

**Таҳрир ҳайъати:** Йўлдош АҲМЕДОВ, Жумана зар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҶУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдулсамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Сайдулла ҲАҚИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-үй

«Ма’рифат»дан материалларни кўчириб босиши таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** масъул котиб – 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими – 136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лиля БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ. Навбатчи: Ботиржон ФОФУРОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатта олинган.

ИНДЕКС: 149, 150.

Г-2917. Тиражи 14.802.

Г 1 2 3 4 5 6

Ҳажми 8 босма табок, Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Босишига топшириш вақти – 20.00. Топширилди – 20.00